

Ўзбекистон Республикасининг КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида

(**Давоми. Бошланиши 1-бетда.**)

Конституциявий суд Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонуллари билан берилган ваколати доирасида бошқа ишларни ҳам кўради.

Конституциявий суд ўз ваколатларини амалга ошираётганда бошқа судларнинг ёки ўзга органларнинг ваколатига қирадиган барча ҳолларда ҳақиқий ҳолатларни аниқлаш ва текширишдан ўзини тияди.

5-модда. Конституциявий суднинг қонунчилик ташаббуси

Конституциявий суд қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. Конституциявий суднинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи унинг томонидан қонулар лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига (бундан буён деб юритилади) томонидан Қонунчилик палатаси деб юритилади) киритиш орқали амалга оширилади.

Конституциявий суд ўзи киритган қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасида кўриб чиқиш чоғида иштирок этиш учун ўз вакилини тайинлайди.

6-модда. Конституциявий судни сайлаш

Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати (бундан буён матнда Сенат деб юритилади) томонидан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тавсия этган мутахассислар орасидан, Қорақалпоғистон Республикасининг вакилини кўйган ҳолда сайланади.

Конституциявий суднинг ҳар бир судьяси якка тартибда сайланади. Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилик овозини олган шахс сайланган ҳисобланади.

Конституциявий суд раис ва унинг ўринбосарини кўшган ҳолда Конституциявий суднинг тўққиз нафар судьясидан иборат бўлади.

7-модда. Конституциявий суд судьясининг ваколатлари муддати

Конституциявий суд судьясининг ваколатлари муддати биринчи марта сайланганда беш йилни, навбатдаги сайланганда ўн йилни ташкил этади.

Конституциявий суднинг судьяси лавозимида бўлишнинг энг юқори ёши, қоида тариқасида, етмиш ёшни ташкил этади.

Айни бир шахс икки мартадан ортқ Конституциявий суднинг судьяси этиб сайланиши мумкин эмас.

8-модда. Конституциявий суд ҳужжатлари ва талабларининг мажбурийлиги

Конституциявий суднинг ҳужжатлари барча давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир. Конституциявий суднинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, ҳужжатларни ва уларнинг кўчирма нусхаларини тақдим этиш, ўзи кўриб чиқаётган масалалар юзасидан тушунтиришлар ҳамда маслаҳатлар бериш, бирор ҳаракатни амалга ошириш ҳақидаги ёки амалга оширишдан тийилмиш тўғрисидаги талаблари улар юборилган барча органлар ва мансабдор шахслар учун мажбурийдир.

9-модда. Конституциявий суднинг фаолият тартиби

Конституциявий суднинг фаолият тартиби ушбу Қонун, конституциявий суд ишларини юритиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи бошқа қонулар ва Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суднинг Регламенти билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суднинг Регламенти Конституциявий суднинг ички фаолияти билан боғлиқ масалаларни тартибга солади ва унинг мажлисида қабул қилинади.

2-боб. Конституциявий суд судьясининг мақоми

10-модда. Конституциявий суднинг судьяси лавозимига номзодга кўйиладиган талаблар. Конституциявий суд судьяларининг малака даражалари

Сийёсат ва ҳуқуқ соҳаси мутахассиси бўлган, юскак маънавий фазилатларга ва зарур малакага эга бўлган, ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Конституциявий суднинг судьяси этиб сайланиши мумкин.

Конституциявий суднинг судьясига Олий ёки Биринчи малака даражалари берилади. Олий малака даражаси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилади. Биринчи малака даражаси Конституциявий суд томонидан берилади.

11-модда. Конституциявий суд судьясининг қасамёди

Биринчи марта Конституциявий суднинг судьяси этиб сайланган шахс кўйидаги мазмунда қасамёд қилади:

«Конституциявий суднинг судьяси вазифаларини ҳалол ва виждонан бажаришга, конституциявий тузумни ҳимоя қилишга, бунда фақат Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига бўйсунишга тантанали қасамёд қиламан».

Қасамёд Конституциявий суднинг судьяси томонидан Сенатнинг мазкур судья сайланган мажлисида қилинади.

12-модда. Конституциявий суднинг судьяси лавозими билан бир вақтда шуғулланиб бўлмайдиган фаолият

Конституциявий суднинг судьяси сенатор, давлат ҳокимияти вакилик органининг депутати бўлиши мумкин эмас.

Конституциявий суднинг судьяси сиёсий партиянинг аъзоси бўлиши, сиёсий ҳаракатларда иштирок этиши, шунингдек илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир фаолият тури билан шуғулланиши мумкин эмас.

13-модда. Конституциявий суд судьясини алмаштириб бўлмаслиги

Конституциявий суднинг судьяси ўз ваколатлари муддати давомида алмаштирилмади. Конституциявий суд судьясининг ваколатлари ушбу Қонунда белгиланган тартибдан ҳамда асослардан бошқача тарзда тугатилиши ёки тўхтатиб турилиши мумкин эмас.

14-модда. Конституциявий суд судьясининг дахлсизлиги

Конституциявий суд судьяси дахлсиздир. Конституциявий суд судьясининг дахлсизлик кафолатлари ушбу Қонун, шунингдек «Судлар тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан белгиланади.

Конституциявий суд судьяси Конституциявий суднинг розилигисиз жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортилиши, шунингдек қамоққа олинishi мумкин эмас.

Конституциявий суднинг судьясига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси унга ўта оғир жиноят ёҳуд одамнинг

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида

ўлимига сабаб бўлган бошқа қасддан жиноят содир этганлик айби қўйилган ҳоллардагина қўлланилиши мумкин. Мазкур қоида Конституциявий суднинг Конституциявий суд судьяси сифатида ишлаган даврида шундай жиноятни содир этганликда айбланаётган собиқ судьясига нисбатан ҳам қўлланилади.

Конституциявий суднинг судьясига нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин.

Конституциявий суд судьясини мажбурий келтириш, ушлаб туриш, худди шунингдек унинг шахсий ашёларини, бағажини, транспортини, уй-жойини, хизмат хонасини қўздан кечиришга йўл қўйилмайди.

15-модда. Конституциявий суд судьясининг ваколатларини тўхтатиб туриш

Конституциявий суд судьясининг ваколатлари қўйдаги ҳолларда Конституциявий суднинг қарори билан тўхтатиб турилиши мумкин: агар судьяга нисбатан жиноят иши қўзғатилган бўлса ёҳуд у бошқа жиноят иши бўйича айбланувчи сифатида жавобгарликка тортилган бўлса;

у судья лавозими билан бир вақтда шуғулланиб бўлмайдиган фаолият билан шуғулланганида;

у суднинг қарори билан бедароқ йўқолган деб топилганида.

Конституциявий суд судьяси ваколатларининг тўхтатиб турилиши унга иш ҳақи тўлашининг тўхтатиб турилишига олиб келмайди ва судьяни ушбу Қонунда белгиланган дахлсизлик кафолатларидан маҳрум этмайди, бундан эҳтиёт чораси сифатида судьяга нисбатан қамоққа олиш танланган ҳоллар мустасно.

Конституциявий суд судьясининг ваколатлари уларни тўхтатиб туриш асослари бекор бўлганига қадар тўхтатиб турилади.

Судья ваколатларини тиклаш Конституциявий суд қарори билан расмийлаштирилади.

16-модда. Конституциявий суд судьясининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш

Конституциявий суд судьясининг ваколатлари қўйдаги ҳолларда Сенатнинг қарори билан муддатидан илгари тугатилади:

у судьялик қасамёдини бузганида;

у ёзма ариза берганида;

унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганида; судья оғохлантирилганидан ёки унинг ваколатлари тўхтатилганидан кейин ҳам судьялик лавозими билан бир вақтда шуғулланиб бўлмайдиган фаолиятни давом эттирганида;

соғлигининг ҳолатига ёки бошқа узрли сабабларга кўра у узоқ вақт мобайнида судьялик вазифаларини бажаришга қобилиятсиз бўлганида;

у Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганида; у белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганида;

у вафот этганида ёки суднинг қарори билан вафот этган деб эълон қилинганида.

17-модда. Конституциявий суд судьясининг ваколатлари тугаганидан кейин уни ишга жойлаштириш бўйича кафолатлар

Конституциявий суд судьясининг ваколатлари тугаганидан кейин унга Конституциявий суд судьяси лавозимига сайланишига қадар эғаллаб турган аввалги иши (лавозими) берилади, бундай иш (лавозим) мавжуд бўлмаганда эса, аввалгисига тенг бошқа иш (лавозим) берилади.

Ваколатлари муддати тугаган судьянинг уни янги ваколатлар муддатига қайта сайлаш ёҳуд бошқа иш тақдим этиш тўғрисидаги масала ҳал бўлаётган даврда, бироқ уч ойдан ортқ бўлмаган муддатда ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади.

3-боб. Конституциявий суд раиси ва унинг ўринбосари

18-модда. Конституциявий суд раиси ва унинг ўринбосарини сайлаш ҳамда уларни эғаллаб турган лавозимидан озод қилиш

Конституциявий суд раиси ва унинг ўринбосари Конституциявий суд томонидан Конституциявий суд судьялари орасидан беш йил муддатга сайланади. Агар уларнинг Конституциявий суднинг судьяси сифатидаги ваколатлари муддати тугашига беш йилдан кам қолган бўлса, улар қолган муддатга сайланади.

Айни бир шахс Конституциявий суд раиси ёки унинг ўринбосари этиб икки муддатдан ортқ сайланиши мумкин эмас.

Конституциявий суд раиси ва унинг ўринбосари ёзма ариза берган тақдирда, Конституциявий суд томонидан эғаллаб турган лавозимидан озод қилинади.

19-модда. Конституциявий суд раисининг ваколатлари

Конституциявий суд раиси: Конституциявий судга раҳбарлик қилади ва унинг фаолиятини ташкил этади;

Конституциявий суд томонидан кўриб чиқишга қабул қилинган масалаларнинг тайёрланишига раҳбарлик қилади;

Конституциявий суднинг мажлисларини (бундан буён матнда суд мажлиси деб юритилади) чақиради ва уларда раислик қилади;

Конституциявий суд судьялари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мамлакатдаги конституциявий қонунчиликнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этилишини таъминлайди;

суд мажлисларининг қарорларини ва баённомаларини имзолайди;

Конституциявий суд девонининг ишини ташкил этади, унинг ходимларини лавозимга тайинлайди ва лавозимидан озод этади; Конституциявий судни сақлаш ва унинг фаолиятини таъминлаш учун бюджет маблағларини тақсимлайди.

Конституциявий суд раиси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Конституциявий суд раиси Қонунчилик палатаси ва Сенат, уларнинг органлари мажлисларида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг мажлисларида иштирок этиши мумкин.

Конституциявий суд раиси ўз ваколатига қирадиган масалалар юзасидан фармоишлар чиқаради.

Конституциявий суднинг раиси йўқлигида унинг ваколатларини раис ўринбосари амалга оширади.

4-боб. Конституциявий суд ишларини юритишнинг асосий принциплари ва уларнинг мазмуни

20-модда. Конституциявий суд ишларини юритишнинг асосий принциплари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг устуңлиги, мустақиллик, коллегиаллик, ошқоралик, тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги конституциявий суд ишларини юритишнинг асосий принципларидир.

21-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг устуңлиги

Конституциявий суд ишларини юритиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг устуңлиги принципи, қонун чиқарувчи ҳамда ижро этувчи ҳокимиятнинг ҳужжатларида инсон

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида

ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлигига оид конституциявий принципнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бошқа нормаларининг рўёбга чиқарилиши асосида амалга оширилади.

Конституциявий суд фақат Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига амал қилган ҳолда ишларни ҳал этади ва хулосалар беради.

22-модда. Конституциявий суд ва унинг судьялари мустақиллиги

Конституциявий суд ва унинг судьялари ўз фаолиятида мустақилдир ҳамда фақат Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига бўйсунади.

Конституциявий суднинг судьялари қарор қабул қилар экан, ўзининг ҳуқуқий нўқтани назарини амалий мақсадга мувофиқлик мулоҳазаларидан, сиёсий мойилликлар ва бошқа ташқи таъсирлардан ҳоли бўлган ҳолда ифодалайди.

Конституциявий суднинг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

23-модда. Коллегиаллик

Конституциявий суд ишларини юритиш коллегиал тарзда амалга оширилади.

24-модда. Ошқоралик

Суд мажлислари очик ўтказилади.

Давлат сирини ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни сақлаш зарур бўлган тақдирда суднинг ёпиқ мажлиси ўтказилишига йўл қўйилади.

25-модда. Тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги

Конституциявий суд ишларини юритиш тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги асосида амалга оширилади.

Тарафлар кўриб чиқилаётган иш юзасидан далиллар тақдим этиш, илтимосномалар баён этиш, фикрлар билдириш, ўз нўқтани назарини ҳимоя қилиш бўйича тенг ҳуқуқ ва имкониятлардан тортишув асосида фойдаланади.

26-модда. Конституциявий суд ишлари юритиладиган тил

Конституциявий суд ишлари Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида юритилади.

Давлат тилини билмайдиган суд мажлиси иштирокчиси ўз она тилида сўзга чиқиши ва тушунтиришлар бериши ҳамда таржимон хизматидан фойдаланиши мумкин.

5-боб. Конституциявий судга муурожаат қилиш. Муурожаатни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва ўрганиш. Ишни кўриш учун қабул қилиш

27-модда. Конституциявий судга муурожаат қилиш ҳуқуқи

Қўйдагилар Конституциявий судга муурожаат қилиш ҳуқуқига эга:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари; Ўзбекистон Республикаси Президенти; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳмамаси; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман);

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари – Бола ҳуқуқлари бўйича вакил;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси; Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат депутатлар гуруҳи; Сенат аъзолари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат сенаторлар гуруҳи;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди; Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори; Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси; Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий маркази;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил.

Агар қонун фуқаролар ва юридик шахсларнинг фикрича, уларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини бузаётган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ келмаса ҳамда судда қўрилиши тугалланган муайян ишда қўлланилган бўлса ва судда ҳимоя қилишнинг барча бошқа воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, улар қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш тўғрисидаги шикоят билан Конституциявий судга муурожаат этишга ҳақлидир.

28-модда. Конституциявий судда ишларни кўриш асослари

Конституциявий судга муурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлган давлат органларининг ва мансабдор шахсларнинг муурожаати, шунингдек фуқароларнинг ва юридик шахсларнинг шикоятлари (бундан буён матнда муурожаат деб юритилади) Конституциявий судда ишларни кўриш учун асос бўлади.

29-модда. Конституциявий судга муурожаатга кўйиладиган талаблар

Конституциявий судга муурожаат ёзма ёки электрон шаклда юборилади. Электрон шаклда юборилган муурожаат электрон ҳужжат айлиниши тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқ бўлиши керак. Коллегиал органининг Конституциявий судга муурожаатига ушбу органининг тегишли қарори илова қилинади.

Муурожаатда: Конституцияга мувофиқлиги текширилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг номи, рақами, қабул қилинган санаси, у эълон қилинган манба, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ва қонунининг шарҳ берилиши лозим бўлган қидалари; муурожаатни Конституциявий судда кўриб чиқишнинг ҳуқуқий асослари;

қўйилган масала юзасидан муурожаат қилувчининг нўқтани назари ва муурожаатни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли нормаларига ҳавола қилинган ҳолдаги ҳуқуқий асосланмириш;

муурожаат қилувчининг номи (фамилияси, исми, отасининг исми), жойлашган ери, почта манзили ёки яшаш жойи, вакил ва унинг ваколатлари тўғрисидаги зарур маълумотлар, бундан вакиллик лавозим бўйича амалга ошириладиган ҳоллар мустасно; илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати кўрсатилган бўлиши керак.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг шикоятларида иш судда кўриб чиқилганлиги ва судда ҳимоя қилишнинг барча шаклларидан фойдаланилганлиги кўрсатилган бўлиши керак.

Муурожаатда муурожаат қилувчи ишни ҳал этиш учун зарур деб ҳисоблаган бошқа маълумотлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида

30-модда. Муурожаатга илова қилинадиган ҳужжатлар

Муурожаатга қўйидагилар илова қилинади:

текширилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ёки шарҳланиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонуни нормасининг матни;

тараф вакилининг ваколатини тасдиқловчи ишончнома ёки бошқа ҳужжат, бундан вакиллик лавозим бўйича амалга ошириладиган ҳоллар мустасно, шунингдек шахснинг Конституциявий судда вакил сифатида иштирок этиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари.

Муурожаатга суд мажлисига чақирилиши таклиф қилинаётган гувоҳлар, экспертлар ва мутахассисларнинг рўйхати, суд қарорларининг кўчирма нусхалари, шунингдек бошқа ҳужжатлар ҳамда материаллар илова қилиниши мумкин.

31-модда. Муурожаатларни рўйхатга олиш. Айрим муурожаатларни кўриб чиқиш тартиби

Ўзбекистон Республикасининг КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

Конституциявий суднинг судьясини четлаштириш Конституциявий суднинг мажлисда ҳозир бўлган судьяларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинган асослантирилган қарори билан амалга оширилади.

6-боб. Конституциявий суд ишларини юритиш иштирокчилари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
40-модда. Конституциявий суд ишларини юритиш иштирокчилари

Тарафлар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонлар конституциявий суд ишларини юритиш иштирокчиларидр.

Суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қонунчилик палатаси Спикери, Сенат Раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазيري, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари – Бола ҳуқуқлари бўйича вакил, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори, адлия вазيري, Ҳисоб палатаси раиси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил иштирок этиши мумкин. Улар кўриб чиқилаётган барча масалалар юзасидан ўз нуктаи назарини баён этишга ҳаққи.

41-модда. Тарафлар ва уларнинг вакиллари

Куйидагилар конституциявий суд ишларини юритишда тарафлардр:

Конституциявий судга мурожаат этган давлат органи ёки мансабдор шахс, фуқаролар ва юридик шахслар;

Конституцияга мувофиқлиги аниқлангани ёки шарҳ берилиши лозим бўлган тегишли ҳужжатни қабул қилган давлат органи ёки мансабдор шахс;

Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномавий ёки бошқа мажбуриятида кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш ўз ваколатига киритилган давлат органи.

Тарафлар Конституциявий судда шахсан ва (ёки) вакиллари орқали иштирок этишга ҳақли. Тараф бир ёки бир нечта вакилга эга бўлишга ҳақли.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган давлат органлари ва юридик шахсларнинг раҳбарлари Конституциявий судда лавозими бўйича тарафларнинг вакили бўлиши мумкин. Лавозими бўйича тарафларнинг вакиллари тарафларнинг манфаатларини ишончномасис ифода этади.

Иш бўйича тарафнинг вакили сифатида адвокат ҳам иштирок этиши мумкин.

42-модда. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
--

Тарафлар: барча иш материаллари билан танишишга, улардан кўчирмалар ёзиб олишга, кўчирма нусхалар олишга; иш юзасидан ўз нуктаи назарини баён этишга; ёзма фикр-мулоҳазалар тақдим этишга; экспертиза тайинлаш, Конституциявий судга гувоҳларни, экспертларни, мутахассислар ва таржимонларни чақириш ҳақида илтимослар қилишга; экспертлар ва мутахассисларнинг номзодларини тақлиф этишга; конституциявий суд ишларини юритиш иштирокчиларига саволлар беришга ҳақли.

Тарафлар ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланиши мумкин.

Тарафлар Конституциявий суд қақрувига биноан суд мажлисида иштирок этиши; тушунтиришлар бериши ва суд мажлисида раислик қилувчининг, Конституциявий суд бошқа судьяларининг ва конституциявий суд ишларини юритиш иштирокчиларининг саволларига жавоб бериши; суд мажлисида раислик қилувчининг суд мажлиси залида тартибга rioя этиш тўғрисидаги фармойишларига бўйсунishi шарт.

43-модда. Гувоҳ, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
--

Ишга тааллуқли бирор-бир ҳолатдан хабардор ҳар қандай шахс гувоҳ бўлиши мумкин.

Гувоҳ: ўз она тилида кўрсатувлар беришга, таржимон хизматидан фойдаланишга, кўрсатувларини ўз қўли билан ёзиб беришга, ўз илтимосига биноан ишга қўшиб қўйилиши мумкин бўлган ёзма қайдлардан, ҳужжатлардан ва бошқа материаллардан ўз кўрсатувларини беришда фойдаланишга; ўзининг Конституциявий судга келиш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши учун ҳақ олишга ҳақли.

Гувоҳ Конституциявий суднинг қақрувига биноан келиши; кўрилаётган иш бўйича ўзига маълум бўлган маълумотлар тўғрисида ҳаққоний кўрсатувлар бериши; ўзида мавжуд бўлган тегишли материалларни суднинг талабига кўра тақдим этиши; Конституциявий суд судьяларининг ва конституциявий суд ишларини юритиш иштирокчиларининг саволларига жавоб бериши шарт.

Суд мажлисида кўрсатувлар беришдан олдин гувоҳ била туриб ёлгон кўрсатувлар берганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисида тилхат олиб огоҳлантирилади.

44-модда. Эксперт, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
--

Ишнинг пировард натижасидан манфаатдор бўлмаган, Конституциявий суд томонидан ҳал этилиши лозим бўлган масалалар борасида махсус билимларга эга бўлган ва эксперт ҳулосасини бериш учун жалб этиладиган шахс эксперт ҳисобланади.

Эксперт: экспертиза предметига тааллуқли бўлган иш материаллари билан танишишга ва улардаги зарур маълумотлардан кўчирмалар ёзиб олишга ёки кўчирма нусхалар олишга; эксперт ҳулосасини бериш учун зарур бўлган қўшимча материаллар ўзига тақдим этилиши тўғрисида илтимосномалар киритишга; суд мажлисида раислик қилувчининг ружсати билан конституциявий суд ишларини юритиш иштирокчиларига эксперт ҳулосасини бериш учун зарур бўлган саволларни беришга; ўзи қилган харажатларнинг ўрни қопланиши учун ҳақ олишга ҳақли.

Эксперт Конституциявий суд томонидан қўйилган саволлар бўйича ҳолис ва асослантирилган ҳулоса бериши; Конституциявий суд қақрувига биноан келиши; ўзи тайёрлаган ҳулосанинг мазмунини тушунтириши; Конституциявий суд судьяларининг ва конституциявий суд ишларини юритиш иштирокчиларининг саволларига ҳаққоний жавоб бериши; экспертизани ўтказиш муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларни ошкор қилмаслиги шарт.

Суд мажлисида сўзга чиқшдан олдин эксперт била туриб ёлгон ҳулоса берганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисида тилхат олиб огоҳлантирилади.

45-модда. Мутахассис, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ишнинг пировард натижасидан манфаатдор бўлмаган, Конституциявий суд томонидан ҳал этилиши лозим бўлган масалалар борасида махсус билим ва кўникмаларга эга бўлган ҳамда далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда маслаҳатлар (тушунтиришлар) бериш йўли билан кўмаклашиш ҳамда

Конституциявий суд томонидан илмий-техника воситаларининг қўлланилишида ёрдам кўрсатиш учун жалб этиладиган шахс мутахассис ҳисобланади.

Мутахассис: Конституциявий судга ўзининг нима мақсадда чақирилганлигини билишга; агар тегишли билим ва кўникмаларга эга бўлмаса, иш юритишда иштирок этишни рад қилишга; ўзи кўриб қаётган масалаларга тааллуқли иш материаллари билан танишишга; ўз фикрини баён этиши учун зарур бўлган саволларни конституциявий суд ишларини юритиш иштирокчиларига суд мажлисида раислик қилувчининг ружсати билан беришга, бошқа зарур ахборотни олишга; иш бўйича иш юритишда иштирок этиши муносабати билан ўзи қилган харажатларнинг ўрни қопланиши учун ҳақ олишга ҳақли.

Мутахассис Конституциявий суд қақрувига биноан келиши; Конституциявий суд судьяларининг, шунингдек конституциявий суд ишларини юритиш иштирокчиларининг саволларига ҳаққоний жавоб бериши шарт.

46-модда. Таржимон, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ишнинг пировард натижасидан манфаатдор бўлмаган, таржима қилиш учун зарур бўлган тилларни биладиган ва конституциявий суд ишларини юритиш иштирокчиси конституциявий суд ишлари юритилаётган тилни билмайдиган ёки етарли даражада билмайдиган ҳолларда суд мажлисида иштирок этувчи ва таржима қилиш учун, худди шунингдек ёзма ҳужжатларни таржима қилиш учун жалб этиладиган шахс таржимон ҳисобланади.

Таржимон: таржима қилинаётган сўзлар ва жумлаларнинг маъносини аниқлаштириш мақсадида конституциявий суд ишларини юритиш иштирокчиларига суд мажлисида раислик қилувчининг ружсати билан саволлар беришга; агар таржима қилиш учун тегишли билимга эга бўлмаса, суд муҳокамасида иштирок этишни рад қилишга; иш бўйича иш юритишда иштирок этиши муносабати билан ўзи қилган харажатларнинг ўрни қопланиши учун ҳақ олишга ҳақли.

Таржимон Конституциявий суднинг қақрувига биноан келиши, ўзига топширилган таржимани аниқ, тўлиқ ва тўғри бажариши шарт.

Таржимани бажаришни бошлашдан аввал таржимон била туриб нотўғри таржима қилганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисида тилхат олиб огоҳлантирилади.

7-боб. Суд муҳокамаси

47-модда. Ишни кўриш учун тайинлаш

Ишни суд мажлисида кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги ажрим мурожаат кўриш учун қабул қилинганидан сўнг бир ойдан кечиктирмай Конституциявий суд томонидан қабул қилинади.

48-модда. Суд мажлиси ҳақида хабардор қилиш. Материалларни юбориш
--

Конституциявий суд ишларини юритиш иштирокчиларига суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида Конституциявий судга ўз вақтида келиш ва ишни кўришга тайёргарлик кўриш учун етарли муддат ҳисобга олинган ҳолда хабарнома юборилади. Конституциявий суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақидаги ахборот унинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Суд мажлиси ҳақидаги хабарнома, Конституциявий судга келиб тушган мурожаатнинг кўчирма нусхаси суд мажлиси бошлангунига қадар камида ўн кундан кечиктирмай тарафларга юборилади. Суд мажлиси ҳақидаги хабарнома ва кўриб чиқиладиган ишга доир маълумотнома ушбу Қонун 40-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган иштирокчиларга мажлис бошлангунига қадар камида бир ҳафтадан кечиктирмай юборилади.

49-модда. Суд мажлисини ўтказиш жойи

Суд мажлиси унинг доимий жойлашган ерида ўтказилади. Зарур бўлса, Конституциявий суд мажлисни бошқа жойда ўтказиши мумкин.

50-модда. Суд мажлисини ўтказиш тартиби
--

Суд мажлиси ушбу Қонунга ва Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Регламентига мувофиқ ўтказилади. Суд мажлиси иштирокчилари Конституциявий судга мурожаат этганда тик турган ҳолда тушунтиришлар, кўрсатувлар беради, илтимослар қилади ва саволлар беради. Ушбу қонидан четга чиқшга фақат суд мажлисида раислик қилувчининг ружсати билан йўл қўйилади. Конституциявий суднинг ташаббусига ёки суд мажлиси иштирокчиларининг илтимосига кўра суд мажлисининг аудио- ёки видеоёзуви амалга оширилиши мумкин.

Иш очик суд мажлисида кўрилганда суд мажлиси иштирокчилари ва залда ҳозир бўлганлар суд мажлисининг боришини қайд этишга, овозли ёзувини амалга оширишга ҳақли. Суд мажлисини фототасвирга олишга, видеоёзувини амалга оширишга, шунингдек уни радио ва телевидение орқали узатишга суд мажлисида раислик қилувчининг ружсати билан йўл қўйилади. Мазкур ҳаракатлар суд мажлисини ўтказишга халақит бермаслиги керак ва суд мажлисида раислик қилувчи томонидан вақт бўйича цекланиши мумкин.

51-модда. Суд мажлисида раислик қилувчи ва унинг ваколатлари

Суд мажлисида Конституциявий суднинг раиси, у йўқлигида ёки унинг топшириғига биноан Конституциявий суд раисининг ўринбосари раислик қилади, Конституциявий суднинг раиси ва унинг ўринбосари бўлмаган ёки улар ўз вазифаларини бажариши мумкин бўлмаган тақдирда эса Конституциявий суднинг энг катта ёшли судьяси раислик қилади.

Суд мажлисида раислик қилувчи: суд мажлисига раҳбарлик қилади; муҳокаманинг ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона бўлишини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўради; суд мажлисини очади, Конституциявий суд таркибини ва қандай иш кўриб чиқилиши лозимлигини эълон қилади, ким суд мажлиси котиби эканлигини, ишни кўриб чиқшда тарафлар, уларнинг вакиллари, гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон ва суд мажлисининг бошқа иштирокчилари сифатида кимлар иштирок этаётганини маълум қилади;

суд мажлисининг ҳозир бўлган иштирокчилари шахсини, тарафлар вакилларининг ваколатлари бор-йўқлигини аниқлайди; суд мажлиси иштирокчиларига уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиради; таржимонни била туриб нотўғри таржима қилганлик учун, экспертни била туриб ёлгон ҳулоса берганлик учун, гувоҳни била туриб ёлгон кўрсатувлар берганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантиради;

тарафларга ва уларнинг вакилларига ишнинг барча ҳолатлари бўйича тушунтиришлар бериш, ўз далилларини асослаш ва саволлар бериш учун тенг имкониятлар яратади; суд мажлисида тегишли тартибни таъминлаш чораларини кўради. Суд мажлисида раислик қилувчи тарафнинг ёки унинг вақилининг, суд мажлиси бошқа иштирокчиларининг сўзини, агар сўзга чиқувчи кўрилаётган масала предметдан четга чиқиб кетса ёҳуд шаклан ёки мазмунан қўпол мулоҳазаларга йўл қўйса, суд залида белгиланган тартибни бузса, тўхтатиб қўйишга ҳақли.

Суд мажлисида раислик қилувчи Конституциявий суд судьяларининг маслаҳатхонадаги маслаҳатлашувида раислик қилади, уларнинг ўз фикрини эркин ва монеликсиз билдириши имкониятини таъминлайди.

52-модда. Суд мажлисида иштирок этаётган Конституциявий суд судьясининг ваколатлари
--

Суд мажлисида иштирок этаётган Конституциявий суд судьяси: тарафларга, уларнинг вакилларига ва конституциявий суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчиларига саволлар беришга; суд мажлиси иштирокчиларидан суд мажлисида муҳокама этилаётган масалаларни моҳияти бўйича тушунтиришлар олишга; тақлифлар киритишга; процессуал масалалар бўйича ўз фикрини билдиришга ҳақли.

53-модда. Ишни кўриб чиқшнинг бевоситалиги ва суд мажлисининг узлуқсизлиги

Конституциявий суд ишни кўриб чиқш чоғида конституциявий суд ишларини юритиш иштирокчиларини бевосита суд мажлисида эшитади, зарур ҳужжатларни ўқиб эшиттиради.

Конституциявий суднинг судьяларида ва тарафларда мавжуд бўлган ҳужжатлар, агар уларнинг мазмуни муҳокама жараёнида оғзаки баён қилинса, ўқиб эшиттирилмаслиги мумкин. Бирок, агар Конституциявий суднинг судьяларидан ёки суд мажлиси иштирокчиларидан бирортаси уларнинг тўлиқ ёки қисман ўқиб эшитирилишини талаб қилса, суд мажлисида раислик қилувчининг қарорига биноан ўқиб эшиттирилиши мумкин.

Конституциявий суд маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунларининг нормаларига расмий шарҳ бериш тўғрисидаги ишларни оғзаки эшитувлар ўтказмасдан кўриши мумкин. Бу ҳақда Конституциявий суд ажрим чиқаради ва конституциявий суд ишларини юритиш иштирокчиларини хабардор қилади. Агар конституциявий суд ишларини юритиш иштирокчиларидан бири ишни оғзаки эшитувлар ўтказмасдан кўришга қарши эътироз билдирса, иш умумий тартибда кўриб чиқилади. Конституциявий суд ишни оғзаки эшитувлар ўтказмасдан ушбу бобнинг қондаларига мувофиқ кўриб қақди.

Суднинг мажлиси ҳар бир иш бўйича узлуқсиз ўтади, бундан мажлис иштирокчиларига дам олиш учун ёки яқунловчи нутқларини тайёрлаш учун ажратилган вақт мустасно. Тарафлардан бирининг илтимосига кўра бошқа тараф тақдим этган материалларни қўшимча ўрганиш учун, шунингдек мажлисининг нормал давом этишига монелик қиладиган ҳолатлар юзага келган ҳолларда суд мажлисида танаффус қилиниши мумкин.

54-модда. Суд мажлиси залидаги тартиб
--

Суд мажлиси залида ҳозир бўлганлар Конституциявий судга, мажлис залида ҳозир бўлган бошқа шахсларга рўмаат билан муносабатда бўлиши ва суд мажлисида тартибга rioя этиши, суд мажлисида раислик қилувчининг фармойишларига бўйсунishi шарт. Конституциявий суднинг судьялари суд мажлиси залига кирганда ва улар чиқиб кетаётганда барча мажлис залида ҳозир бўлганлар ўрнидан туради.

Суд мажлиси иштирокчилари Конституциявий судга: «Журматли Конституциявий суд» деган сўзлар билан мурожаат этади.

Суд мажлиси залида ҳозир бўлганлар Конституциявий суд қарорини тик турган ҳолда эшитади.

55-модда. Суд мажлисини кейинга қолдириш

Конституциявий суд қуйидаги ҳолларда суд мажлисини кейинга қолдиради:

суд мажлисида Конституциявий суднинг ваколатли таркиби мавжуд бўлмаганда;

суд мажлисида ҳозир бўлиши шарт деб топилган тараф, унинг вакили, гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон келмаганда, агар уларнинг йўқлиги ишнинг моҳияти бўйича ҳал этилишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлса;

ҳужжатлар ва бошқа материаллар тақдим этилмаганда ёки ўз вақтида тақдим этилмаганда, агар улар ишни ҳал этиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлса; агар қўшимча материалларни талаб қилиб олиш зарурлиги муносабати билан Конституциявий суднинг судьяси ёки тараф, унинг вакили ишни кўриб чиқшши кейинга қолдириш тўғрисида илтимос қилса;

ишнинг ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона кўриб чиқилишига монелик қиладиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлганда, шу жумладан суд мажлисида тартиб бузилган тақдирда.

Конституциявий суд суд мажлисини кейинга қолдириш тўғрисида ажрим қабул қилади. Бунда Конституциявий суд суд мажлиси кўчириладиган санини тайинлайди.

Кўриб чиқилиши кейинга қолдирилган иш бўйича суд мажлиси бошидан бошланади ёки кейинга қолдирилган жойидан бошланади.

Конституциявий суд томонидан илгари эшитилган гувоҳларни, экспертларни, мутахассисларни, таржимонларни қайтадан чақириш фақат Конституциявий суд зарур деб топган тақдирда амалга оширилади.

56-модда. Иш юритишни тугатиш

Агар суд мажлиси жараёнида: мурожаатнинг Конституциявий судга тааллуқли эмаслиги; мурожаатнинг предмети юзасидан Конституциявий суд томонидан илгари қарор чиқарилган бўлиб, у қонуний кучида эканлиги; Конституциявий суд кўриб чиқшши учун киритилган мурожаат мурожаат қилувчи томонидан қайтариб олинганлиги аниқланса, Конституциявий суд иш юритишни тугатади.

Иш юритишни тугатиш ҳақида Конституциявий суд ажрим чиқаради.

57-модда. Суд мажлиси иштирокчиларининг келмаганлиги билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш

Суд мажлисига тарафлар (тараф) ёки уларнинг вакиллари келмаган тақдирда, Конституциявий суд ишни кўриб чиқш ёки уни кейинга қолдириш мумкинлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилади.

58-модда. Суд мажлиси залидан гувоҳларни чиқариб туриш

Суд мажлисига келган гувоҳлар уларнинг шахси аниқланганидан кейин суд мажлиси залидан чиқариб турилади.

59-модда. Тарафларнинг илтимослари ва уларни ҳал этиш тартиби
--

Суд мажлисида раислик қилувчи ишни кўриб чиқш бошлангунига қадар тарафлардан уларнинг ишга тааллуқли илтимослари бор-йўқлигини аниқлайди.

Ёзма илтимослар суд мажлисида ўқиб эшиттирилади ва иш материалларига қўшиб қўйилади, оғзаки илтимослар суд мажлиси баённомасига киритилади.

Конституциявий суд тарафларнинг фикрларини инобатга олган ҳолда илтимосни қаноатлантириш ҳақида ёки уни қаноатлантиришни рад қилиш тўғрисида ажрим чиқаради.

60-модда. Маърузачи судьянинг маърузаси ва тарафларнинг тушунтиришлари

Ишни кўриб чиқш маърузачи судьянинг маърузаси билан бошланади, у кўриб чиқилаётган масаланинг моҳиятини баён қилади.

Сўнгра суд тарафларнинг фикрларини инобатта олган ҳолда иш материалларини текшириш тартиби ҳақида қарор қабул қилади.

Конституциявий судга мурожаат қилган тараф биринни бўлиб сўзга чиқади, ундан кейин суд мажлисида раислик қилувчи бошқа тарафга сўзга чиқш имкониятини беради. Тарафнинг нуктаи назари унинг бир нечта вакили томонидан ҳимоя қилинган тақдирда, уларнинг сўзга чиқш кетма-кетлиги мазкур тараф томонидан белгиланади.

Тарафларнинг ҳар бири сўзга чиқиб бўлганидан сўнг Конституциявий суднинг судьялари тарафларга саволлар бериши мумкин, сўнгра сўзга чиқган тарафга саволлар бериш ҳуқуқи бошқа тарафга берилади.

61-модда. Иш ҳужжатларини ва бошқа ёзма материалларини текшириш
--

Иш ҳужжатлари ва бошқа ёзма материалларини маърузачи судья ўқиб эшиттиради. Шундан сўнг тарафлар ўқиб эшиттирилган ҳужжатлар ва бошқа материаллар юзасидан тушунтиришлар бериши мумкин.

Конституциявий суд ўз ташаббуси билан ёки суд мажлиси иштирокчиларининг илтимосига кўра ишни кўриш учун зарур бўлган ҳужжатларни, бошқа материалларни қўшимча равишда сўраб олишга, шунингдек иш материалларини қўшимча равишда текшириш ва (ёки) экспертизалар ўтказиш тўғрисида топшириқ беришга, зарур бўлган тақдирда суд мажлисига гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонларни чақиришга ҳақли.

62-модда. Гувоҳларни эшитиш тартиби
--

Гувоҳларни эшитиш навбати суд томонидан белгиланади. Суд мажлисида раислик қилувчи гувоҳга кўриб чиқилаётган ишнинг моҳияти юзасидан ўзига маълум бўлган барча ҳолатларни баён қилишни тақлиф этади. Тушунтиришлардан кейин гувоҳга саволлар берилиши мумкин.</

Ўзбекистон Республикасининг КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида

◄ (Давоми. Бошланиши 1, 2, 3-бетларда).

Конституциявий суднинг судьялари қарор қабул қилиш чоғидаги муҳокама мазмуни тўғрисидаги, Конституциявий суд таркибига кирган айрим судьяларнинг нуктаи назари ҳақидаги маълумотларни бирор-бир шахсга маълум қилишга ва судьялар маслаҳатлашуви сирини бошқа усулда ошкор қилишга ҳақиқ эмас.

70-модда. Конституциявий суд қарорининг мазмуни. Қарорни имзолаш

Конституциявий суднинг қарори кириш, тавсиф, асослантирувчи ва хулоса қисмларидан иборат бўлади.

Қарорнинг кириш қисмида: қарор қабул қилган суднинг номи, қарорнинг номланиши, у қабул қилинган сана ва жой; Конституциявий суднинг таркиби; суд мажлисининг котиби; суд мажлисининг иштирокчилари тўғрисидаги маълумотлар; мурожаатда кўрсатилган талаблар; Конституциявий суд мазкур ишни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ва ушбу Қонуннинг қайси нормаларига мувофиқ кўриб чиққан бўлса, ўша нормалари кўрсатилади.

Қарорнинг тавсиф қисмида Конституциявий судга келиб тушган мурожаатнинг, ишда иштирок этувчи шахслар тушунтиришларининг, аризалари ва илтимосларининг қисқача мазмуни кўрсатилади.

Қарорнинг асослантирувчи қисмида: ишнинг Конституциявий суд томонидан аниқланган ва қарорнинг асосига қўйилган ҳақиқий ҳолатлари; суднинг иш ҳолатлари тўғрисидаги хулосаларига асос бўлган далиллар;

Конституциявий суд қарор қабул қилишда таянган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар кўрсатилади.

Қарорнинг хулоса қисмида кўриб чиқилган иш якунлари бўйича Конституциявий суднинг якуний хулосалари, унинг кунга кириш тартиби, шунингдек уни ижро этиш ҳамда эълон қилиш тартиби, муддатлари ва ўзига хос хусусиятлари кўрсатилади.

Конституциявий суднинг қарори овоз беришда иштирок этган Конституциявий суднинг барча судьялари томонидан имзоланади.

71-модда. Конституциявий суд қарорини ўқиб эшиттириш

Конституциявий суд қарори Конституциявий суд томонидан белгиланган муддатда суд мажлисида ўқиб эшиттирилади.

Конституциявий суд қарори ўқиб эшиттирилганидан сўнг суд мажлисида раислик қилувчи қарорнинг мазмунини тушунтиради, шундан кейин суд мажлисини ёпиқ деб эълон қилади.

72-модда. Конституциявий суд қарорларини эълон қилиш ва уларнинг кучга кириши

Конституциявий суднинг қарорлари, хулосалари ва бошқа тўхтамлари оммавий ахборот воситаларида ҳамда Конституциявий суднинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Конституциявий суд ишларини юритиш процессуал масалалари ва ўз фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича қабул қилинган қарорлар Конституциявий суднинг ихтиёрига кўра эълон қилинади.

«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари, «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суднинг Ахборотномаси», шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси Конституциявий суднинг қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалардир.

Конституциявий суднинг қарорлари ва хулосалари қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида расмий эълон қилиниши лозим ҳамда расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради. Бошқа қарорлар қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Конституциявий суднинг қарорлари тарафларга ва конституциявий суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчиларига юборилади. Конституциявий суднинг қарорлари Конституциявий суд раисининг топшириғига мувофиқ бошқа ташкилотларга ҳам юборилиши мумкин.

73-модда. Конституциявий суд қарорининг юридик кучи

Конституциявий суднинг ҳужжати қатъий ва унинг устидан шикоят қилиниши мумкин эмас.

Конституциявий суднинг қарорига кўра Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ эмас деб топилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг бир қисми ўзининг амал қилишини тугатади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳужжатни қабул қилган давлат органи ўз ҳужжатини Конституциявий суднинг қарори асосида бир ойдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлаштириши керак.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ эмас деб топилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида қарорлар қабул қилган давлат органлари уларни бир ой ичида қайтадан кўриб чиқиши керак.

74-модда. Конституциявий суднинг қарорини қайтадан кўриб чиқиш

Конституциявий суднинг қарори қуйидаги ҳолларда ўз ташаббуси билан қайтадан кўриб чиқилиши мумкин: қарор чиқарилган пайтда Конституциявий судга номаълум бўлган янги очилган ҳолатлар муносабати билан; қарор қабул қилинишига асос бўлган конституциявий норма ўзгарган тақдирда;

Конституциявий суд мазкур қарорни конституциявий суд ишларини юритишнинг белгиланган тартиби бузилган ҳолда қабул қилинган деб топган тақдирда.

9-боб. Суд мажлисининг баённомаси

75-модда. Суд мажлиси баённомасининг мазмуни

Суд мажлисида суд мажлисининг баённомаси юритилади. Суд мажлисининг баённомасида қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

суд мажлисининг вақти ва жойи; суднинг тарихи ва суд мажлисининг котиби; ишнинг номи ва рақами; ишда иштирок этувчи шахсларнинг келган-келмаганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

Конституциявий суднинг ҳаракатлари, улар суд мажлисида қай тартибда бажарилган бўлса, шу тартибда, уларнинг натижалари; Конституциявий суднинг маслаҳатхонага кирмасдан ўз жойида қабул қилинган ажрмллари;

тарафларнинг тушунтиришлари ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимослари; ишни кўриш жараёнида судга тақдим этилган далиллар ҳақидаги маълумотлар;

гувоҳларнинг кўрсатувлари, экспертларнинг хулосалари ва мутахассисларнинг фикрлари, уларга берилган саволлар ҳамда олинган жавоблар;

конституциявий суд ишларини юритиш бошқа иштирокчиларининг чиқишлари;

суд музокараларининг мазмуни;

Конституциявий суднинг қарорини ўқиб эшиттириш ҳақидаги маълумотлар.

Агар суд мажлиси вақтида аудио- ёки видеоёзув қўлланилган бўлса, аудио- ёки видеоёзув баённомага қўшиб қўйилади, бу ҳақда суд мажлисининг баённомасига тегишли ёзув киритилади.

Суд мажлисининг баённомаси суд мажлиси тугаган пайтдан эътиборан уч кун ичида расмийлаштирилиши керак.

Суд мажлисининг баённомаси раислик қилувчи ва суд мажлисининг котиби томонидан имзоланади ҳамда ишга қўшиб қўйилади.

76-модда. Суд мажлисининг баённомаси билан танишиш. Суд мажлисининг баённомасига доир фикр-мулоҳазалар

Тарафлар суд мажлисининг баённомаси имзоланган кундан эътиборан беш кун ичида у билан танишиб чиқишга ва у бўйича фикр-мулоҳазаларини билдиришга ҳақли, ушбу фикр-мулоҳазалар улар берилган кундан эътиборан беш кун ичида, Конституциявий суд томонидан тарафларни чақирмасдан кўриб чиқилиши керак. Конституциявий суд фикр-мулоҳазаларга рози бўлган тақдирда, уларни қабул қилади, рози бўлмаган тақдирда эса уларни рад этади, бу ҳақда ажрим чиқаради. Суд мажлисининг бошқа иштирокчилари суд мажлисида раислик қилувчининг руҳсати билан суд мажлиси баённомаси билан танишиб чиқиши мумкин.

10-боб. Процессуал муддатлар

77-модда. Ишни кўриб чиқиш муддатлари

Кўриб чиқилаётган иш юзасидан қарор мурожаат кўриб чиқишга қабул қилинган пайтдан эътиборан уч ойдан кечиктирмай Конституциявий суд томонидан қабул қилинади.

78-модда. Процессуал муддатларни ҳисоблаш

Процессуал муддатлар ойлар ва кунлар билан ҳисобланади. Процессуал муддатларнинг ўтиши календар сананинг бошланиши деб белгиланган куннинг эртасидан бошланади.

79-модда. Процессуал муддатларнинг тугаши

Ойлар билан ҳисобланадиган процессуал муддат белгиланган муддат охириг ойининг тегишли кунида тугайди. Агар ойлар билан ҳисобланадиган процессуал муддатнинг тугаши санаси бўлмаган ойга тўғри келса, муддат шу ойнинг охириг кунида тугайди.

Кунлар билан ҳисобланадиган процессуал муддат белгиланган муддатнинг охириг кунида тугайди.

Процессуал муддатнинг охириг куни иш куни бўлмаган кунга тўғри келган ҳолларда, ундан кейинги биринчи иш куни муддат тугайдиган кун ҳисобланади.

11-боб. Суд чикимлари ва харажатларнинг ўрнини қоплаш

80-модда. Суд чикимлари

Суд чикимлари гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалардан, шунингдек ишни кўриш билан боғлиқ бошқа харажатлардан иборат бўлади.

81-модда. Гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонларнинг харажатлари ўрнини қоплаш

Конституциявий судда ишларни кўриш муносабати билан жалб этилган гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонларга қонунчиликка мувофиқ харажатларнинг ўрни қопланади.

Конституциявий судда ишларни кўриш муносабати билан жалб этилган экспертлар, мутахассислар ва таржимонларга қонунчиликка мувофиқ ҳақ тўланади.

12-боб. Айрим тоифадаги ишлар бўйича иш юритишнинг ўзига хос хусусиятлари

82-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлигини аниқлаш тўғрисидаги ишларни юритиш

Конституциявий суд Конституцияга мувофиқлиги хусусида шубҳа туғдирган аниқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан қарорлар қабул қилади.

Конституциявий суд норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Конституцияга мувофиқлигини текшириб, текширилган ҳужжатга асосланган ёҳуд унинг қондиларини такрорлайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар хусусида ҳам, гарчи Конституциявий суд кўриб чиқиши учун киритилган мурожаатда улар тўғрисида сўз юритилмаган бўлса-да, бир вақтнинг ўзида қарор чиқаришга ҳақли.

Конституциявий суд норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Конституцияга мувофиқлигини тўлиқлигича ёки унинг бир қисмини текшираётганда: норматив мазмуни бўйича; норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг шакли бўйича; давлат органлари ва мансабдор шахслар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан белгиланган ваколатларнинг чегараланиши нуктаи назаридан; норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши, имзоланиши, шунингдек расмий эълон қилиниши ва амалга киритилиши тартиби бўйича унинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш якунлари бўйича Конституциявий суд қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади: норматив-ҳуқуқий ҳужжати ёки унинг бир қисмини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ эмас деб топиш тўғрисида;

норматив-ҳуқуқий ҳужжати ёки унинг бир қисмини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ деб топш тўғрисида.

Қонунларнинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш якунлари бўйича Конституциявий суд қонунни ёки унинг бир қисмини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ деб топиб, уларда мазкур қонуннинг ёки унинг бир қисмининг амалиётда нотўғри ёҳуд зиддиятли тарзда қўлланилишга олиб келган ноаниқликлар топилган тақдирда, ушбу қонун нормасига расмий шарҳ беришга ҳақли.

Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномавий ёки бошқа мажбуриятининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш чегаралари ишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ушбу модданинг учинчи қисмига мувофиқ белгиланади.

Ишни кўриб чиқиш якунлари бўйича Конституциявий суд қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади: Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномавий ёки бошқа мажбуриятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ эмас деб топш тўғрисида; Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномавий ёки бошқа мажбуриятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ деб топш тўғрисида.

83-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзолангунига қадар Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш тўғрисидаги ишларни юритиш

Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларининг, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини улар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзолангунига қадар аниқлаш чегаралари ишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ушбу Қонун 82-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ белгиланади.

Ишни кўриб чиқиш якунлари бўйича Конституциявий суд қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунини, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ эмас деб топш ҳақида;

Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунини, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ деб топш ҳақида.

Ушбу моддада назарда тутилган ишлар бўйича Конституциявий суд тегишли ҳужжатлар олинган кундан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмай қарор қабул қилади.

84-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса бериш ҳақидаги ишларни юритиш

Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлигини аниқлаш чегаралари ишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ушбу Қонун 82-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ белгиланади.

Ишни кўриб чиқиш якунлари бўйича Конституциявий суд қуйидаги хулосалардан бирини беради:

Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясини ёки унинг бир қисмини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ эмас деб топш тўғрисида;

Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясини ёки унинг бир қисмини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ деб топш ҳақида;

Қорақалпоғистон Республикаси қонунини ёки унинг бир қисмини Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ эмас деб топш тўғрисида;

Қорақалпоғистон Республикаси қонунини ёки унинг бир қисмини Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ деб топш ҳақида.

85-модда. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларини шарҳлаш тўғрисидаги ишларни юритиш

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларини расмий шарҳлаш уларда нормаларнинг амалиётда нотўғри ёки зиддиятли тарзда қўлланилишга олиб келган ноаниқликлар топилган тақдирда амалга оширилади.

Конституциявий судга Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларини расмий шарҳлаш ҳақидаги мурожаатда Конституцияда ва қонунда уларнинг амалиётда нотўғри ёки зиддиятли тарзда қўлланилишга олиб келган ноаниқликлар мавжудлигига доир вахллар ҳамда далиллар кўрсатилган бўлиши керак.

Ишни кўриш якунлари бўйича Конституциявий суд қарор қабул қилади, унинг хулоса қисмида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ёки қонуни нормасига расмий шарҳ бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларини расмий шарҳлаш жараёнида уларга нормаларни аниқлаштиришга қаратилган тугатишлар, ўзгартишлар, қўшимчалар киритилишига йўл қўйилмайди.

86-модда. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг конституциявий ҳуқуқлари бузилганлиги устидан шикоятлар бўйича муайян ишда қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини аниқлаш тўғрисидаги ишларни юритиш

Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари муайян ишда қўлланилган ва Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ бўлмаган қонунда бузилган деб ҳисобловчи фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг шикоятлари, агар судда ҳимоя қилишнинг бошқа тариха воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, судда ишни кўриб чиқиш тугаган кундан эътиборан бир йилдан кечиктирмай берилади.
Фуқаролар ва юридик шахсларнинг конституциявий ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари бузилганлиги устидан шикоятда кўрсатилган қонуннинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш чегаралари ишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ушбу Қонун 82-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ белгиланади.
Ишни кўриб чиқиш якунлари бўйича Конституциявий суд қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади: қонунни ёки унинг бир қисмини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ эмас деб топш тўғрисида; қонунни ёки унинг бир қисмини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ деб топш ҳақида.

87-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори буйруқларининг ва (ёки) бошқа ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига мувофиқлигини аниқлаш тўғрисидаги ишларни юритиш

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори буйруқларининг ва (ёки) бошқа ҳужжатларининг (индивидуал хусусиятга эга бўлган ҳужжатлар бундан мустасно) ёки улар бир қисмининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига мувофиқлигини аниқлаш чегаралари ишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ушбу Қонун 82-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ белгиланади.

Ишни кўриб чиқиш якунлари бўйича Конституциявий суд қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруғини ва (ёки) бошқа ҳужжатини (индивидуал хусусиятга эга бўлган ҳужжат бундан мустасно) ёки унинг бир қисмини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига мувофиқ эмас деб топш тўғрисида;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруғини ва (ёки) бошқа ҳужжатини (индивидуал хусусиятга эга бўлган ҳужжат бундан мустасно) ёки унинг бир қисмини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига мувофиқ деб топш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Конституциявий суд қарорига кўра Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига мувофиқ эмас деб топилган буйруғи ва (ёки) бошқа ҳужжати (индивидуал хусусиятга эга бўлган ҳужжат бундан мустасно) ўзининг амал қилишини тугатади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Конституциявий суднинг қарори асосида ўзининг буйруғини ва (ёки) бошқа ҳужжатини (индивидуал хусусиятга эга бўлган ҳужжат бундан мустасно) бир ойдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига мувофиқлаштириши керак.

13-боб. Якунловчи қондалар

88-модда. Конституциявий суднинг халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар конституциявий назорат органлари билан ҳамкорлиги

Конституциявий суд хорижий мамлакатларнинг конституциявий назорат органлари томонидан ташкил этилган халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши мумкин.

Конституциявий суд халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатларнинг конституциявий назорат органлари билан

хамкорлик қилиши, декларациялар, англашув меморандумлари, ахдлашув баённомалари, ҳамкорлик режалари тузиши, шунингдек ўзаро тажриба ҳамда ахборот алмашиш соҳасида ҳамкорлик қилиши мумкин.

89-модда. Конституциявий суднинг девони

Конституциявий суднинг фаолиятини таъминлаш учун девон ташкил этилади.

Девоннинг тузилмаси ва штат бирлиги ажратилган маблаглар доирасида Конституциявий суд раиси томонидан тасдиқланади.

Девон ходимларига мансаб даражаларини белгилаш ва бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан тасдиқланадиган низомда белгиланади.

90-модда. Конституциявий суд хузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши

Конституциявий суд хузурида маслаҳат органи бўлган ва жамоатчилик асосида фаолият кўрсатадиган илмий-маслаҳат кенгаши тузилади. Конституциявий суднинг фаолиятга оид масалалар бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш ушбу кенгашнинг вазифасига киради.

91-модда. Конституциявий суднинг фаолиятини молиялаштириш

Конституциявий суднинг фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблаглари ҳисобидан амалга оширилади ва унда алоҳида сатрда назарда тутилади.

92-модда. Конституциявий суд судьяларнинг моддий ва ижтимоий таъминоти

Конституциявий суд судьяларининг меҳнатига ҳақ тўлаш, уларга хар йилги таътилни бериш, судьяларни ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилиш чора-тадбирлари, судьяларнинг ҳаёти ва соғлиғини давлат томонидан мажбурий тартибда суғурта қилиш билан боғлиқ моддий ва ижтимоий таъминоти «Судлар тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ белгиланади.

Конституциявий суд судьясининг иш ҳақи лавозим машидан, малака даражаси ва кўп йиллик хизмати учун тўланадиган устама ҳақлардан иборат бўлади

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН МЕДИА-РЕЖА ТАСДИҚЛАНДИ

Аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда унинг худудий тузилмалари томонидан қирғилган даъво аризалари бўйича давлат божидан озод қилишни назарда тутиб қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган. Ийгилишда Хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган медиа-режа тасдиқланди.

қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Шунингдек, йил давомида қарийб 9 миллион хотин-қизни чуқурлаштирилган таълим қўриқидан, жумладан, онкология касаллиқлар аниқланган беморларни соғломлаштириш чораларини қўриш белгиланганлиги қайд этилди.

Ийгилишда "Йил аёли" миллий танловини ташкил этиш ва уни ўтказиш тўғрисидаги низом лойиҳаси тасдиқланди. Бундан ташқари, тадбирда кенгаш тарқибига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги биринчи ўринбосари Равайн Ирматов бошқа ишга ўтганлиги сабабли Туризм ва спорт вазирлиги ўринбосари Авазжон Қаримов Республика кенгаши аъзоси этиб тасдиқланди.

Мунисхон ҚАРИМОВА («Халқ сўзи»).

БИР ГУРУҲ СЕНАТОРЛАР «МЕҲНАТ ФАХРИЙСИ» КЎКРАК НИШОНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармониغا мувофиқ, "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони таъсис этилган эди.

Ифтихор

Қуни кеча ушбу мукофот билан тақдирланганлар рўйхати эълон қилинди. Улар орасида Олий Мажлис Сенатининг 6 нафар аъзоси ҳам бор. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева, Сенатнинг Мудорофа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси Қўтибдир Бурхонов, Бюджет ва иқтисодий ис-

лохотлар масалалари кўмитаси раиси Эркин Гадов, Ёшлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси Бахтиёр Сайфуллаев, Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси Наримон Умаров, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси ўринбосари Толибжон Мадумаров биринчи даражали "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони билан тақдирланди.

«Халқ сўзи».

Диний эркинлик масалалари: СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАР

Тошкентда Марказий Осиё мамлакатларида диний эркинлик масалалари бўйича минтақавий видеоконференция бўлиб ўтди. "Диний бағрикенгликни, диндорлар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатлари" мавзусидаги ушбу анжуман Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Дин ишлари бўйича кўмита томонидан ташкил этилди.

Халқроқ анжуман

Конференция ишида Қозғоғистон, Қирғизистон ва Тожикистондан дин соҳаси бўйича экспертлар, шунингдек, Ўзбекистон эксперт-таҳлил ҳам-жамаияти ва мамлакат жамоатчилиги вакиллари, жумладан, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Дин ишлари бўйича кўмита, Адлия вазирлиги, Стратегия ва минтақалар тарқикотлар институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон муслмонлари идораси, Ўзбекистон халқроқ ислом академияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, мамлакатимиз диний конфессиялари мухтаassisлари иштирок этиди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов тадбирни очар экан, барчага таалуқли инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ижтимоий кун тартиби ва давлатлар зиммасидаги мажбуриятлари белгиланганда дин мавзуси бўғунги кунда халқроқ муносабатлар ва миллий сиёсатнинг муҳим омилли сифатида тобора катта аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Минтақавий конференцияда Марказий Осиё мамлакатларининг диндор фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликлари бўйича сиёсий-ҳуқуқий қарорларни таъминлаш борасидаги тажрибаси ҳамда диндорлар бирдамлиги, тинчлиги ва барқарорлигини янада мустаҳкам-

лашга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ҳолати, диндор фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳар томонлама таъминлаш бўйича қўрилаётган чоралар таҳлили каби масалалар атрофида муҳокима қилинди. Айни чоғда мазкур масалалар юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқиш, Марказий Осиё минтақаси мамлакатларининг ушбу соҳалардаги ижобий тажрибасини халқроқ ҳамжамят этибборига etkazиш каби вазифалар белгилаб олинди.

Анжуман иштирокчиларининг қайд этишича, онлайн мулоқот ҳозирги вақтда диний эркинликларни таъминлаш борасида нафақат Марказий Осиё давлатлари, балки бутун жаҳон ҳамжамяти олдига долзарб бўлиб турган муаммоларга ечим топишда муҳим амалий майдонча вазифасини ўтади. Тадбир якунида қатнашчилар томонидан диний эркинликларни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг жорий ҳолати ва устувор йўналишларидан маълум қилинганда ҳамда дунё жамоатчилиги хабардорлигини ошириш, диний бағрикенгликни таъминлашга доир масалалар бўйича мунозара майдончаси, яъни миллий ва халқроқ экспертлар гуруҳи ("пул") ташкил этиш, Ўзбекистоннинг ушбу соҳадаги ижобий тажрибасини минтақавий ҳамда халқроқ ҳамжамятлар этибборига etkazиш зарурлиги таъкидланди.

«Халқ сўзи».

ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАҚДАГИ ИЖРОСINI БАҲОЛАДИ

Ўшларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофазага муҳтож талабаларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, адолат тамойилини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, олий таълим муассасасида икки ва ундан ортиқ фарзанди шартнома асосида қўйиётган оилаларга таълим кредити бериш ва талаба томонидан ушбу кредитни ўқиш даври тугагандан сўнг қайтариш амалиёти йўлга қўйилгани, давлат грантлари сони 25 фоизга ҳамда эҳтиёманд оилалар фарзанди бўлган хотин-қизлар учун давлат грантлари сони 2 баравар оширилгани алоҳида таъкидланди.

Ўшларни қўллаб-қувватлаш соҳасида туман (шаҳар)лар бўйича ёшлар билан ишлашнинг янгича тизими жорий этилиб, шу йилнинг биринчи чораги алоҳида, шунингдек, 271,5 мингга яқин ёшларнинг бандлиги таъминланди, 191,9 минг нафар ёшни қишлоқ ҳўжалиқига иш билан таъминлаш орқали қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун 55,7 минг гектар ер майдонлари ажратиб берилган. Давлат дастури доирасида аҳоли

саломатлигини мустаҳкамлаш, қоронавирус пандемиясига қарши курашни тизимли равишда давом эттириш, санитария-эпидемиология хизмати сифатини ошириш, тиббиётнинг бирламчи бўғинини ривожлантириш борасидаги устувор вазифалар доирасида қатор ишлар бажарилди.

Эмлаш ишларини амалга ошириш учун республикада 3 мингдан ортиқ эмлаш пунктлари ва 900 га яқин ҳаракатдаги бригадалар ташкил этилди. Эмлаш жараёнида фойдаланиш учун 1 мингдан зиёдроқ автотранспортлар бириктирилди. Ҳукумат тақдим этган ҳисобот, унда келтирилган ҳар бир рақам ва таҳлиллар депутатлар томонидан атироғида кўриб чиқилди. Давлат дастурининг жорий йил биринчи чорақдаги ижросига оид ҳисобот юзасидан ҳар бир сиёсий партия фракцияси ўз нуктаи назарини, фикр-мулоҳаза ва тақлифларини баён қилди. Ҳисобот фракцияси аъзолари пандемия оқибатларини бартараф этиш ва иқтисодиётни жадал ривожлантириш борасида ишларни изчил амалга ошириш бўйича ўз тақлифларини билдирди. Унга қура

асосий қисми тўқимачилик, озиқ-овнат, мебелсозлик, металл буюмлар, қурилиш материаллари соҳасига мансуб бўлган, даромади тикланмаган 11 мингта саноат корхоналари бириктирилган ҳар бири билан манзилли ишларни ташкил қилган ҳолда мавжуд масалаларни тезкорликда ҳал этиш зарур.

"Миллий тикланиш" ДП фракцияси вакиллари Давлат дастурида белгиланган ҳорижий мамлакатлардаги ватандошларимизга хизмат кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини ривожлантириш масаласига эътибор қаратди. Улар ташқи меҳнат миграцияси ривожланишига ҳар томонлама ёрдам бериш зарурлиги ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирди. Улар ташқи меҳнат бозори асосий жой бўлиб қолётгани ва бу тўғри ҳолат эмаслигини таъкидлади. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги мигрантларни қўллаб-қувватлаш борасида бошқа қатор давлатларнинг меҳнат бозорларини ўрганиш бўйича алоҳида чоралар қўриш лозимлигини илгари сурди. Ҳисобот "Адолат" СДП

фракцияси аъзолари Давлат дастуридаги айрим ижроси таъминланмаган бандларга алоҳида эътибор қаратди. Баъзи бир истеъмол товарлари бўйича нарх-навоининг ошиб кетаётганлиги фуқароларнинг эътирозларига сабаб бўлаётганлиги учун ушбу вазифанинг ижросига бутун йил давомида жиддий эътибор қаратилиши лозимлиги айтилди. Фракция аъзолари фикрича, йил охирига бориб, инфляциянинг 10 фоиздан ошмаслигини эриштириш ҳисобланади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари дастурида шу йилнинг 1 мартага қадар аҳолининг минимал истеъмол харажатларини эълон қилиш амалиётини йўлга қўйиш вазифаси белгиланган бўлса-да, унинг бугунги кунга қадар ижроси таъминланмаганига эътибор қаратди. Шунингдек, бугунги кунда камбағалликни қарши самарали курашиш ва ушбу мақсадга ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш учун авваламбор, камбағалликнинг аниқ мезонларини белгилаб бериш зарурлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси Давлат дастурида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш юзасидан белгиланган вазифаларни ўз вақтида таъминлаш ҳамда ажратилган маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда "яшил иқтисодиёт" принципларини кенгроқ қўллаш, аҳолининг, айниқса, қишлоқ жойларда аҳолининг тоза ичимлик суви таъминотини яхшилаш ва худудларда канализация тизимларини ривожлантириш ҳамда ажратилган маблағлар ижросига алоҳида эътибор қаратишга мақсадли мувофиқ деб ҳисоблайди.

Парламент қўйи палатасидаги фракцияларнинг ҳисобот юзасидан билдирган фикр-мулоҳазаларни эътиборга олиб, депутатлар Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини маъқуллаб қаратди. Шунингдек, бугунги кунда камбағалликни қарши самарали курашиш ва ушбу мақсадга ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш учун авваламбор, камбағалликнинг аниқ мезонларини белгилаб бериш зарурлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

Ҳисобот муҳокамасидан сўнг

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ФРАКЦИЯЛАРИ ЎЗ ТАҚЛИФЛАРИНИ ИЛГАРИ СУРДИ

Ақтам ҲАЙТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Ҳисобот фракцияси раҳбари: — Албатта, Давлат дастурининг биринчи чорақдаги ижроси бўйича тизимли чора-тадбирлар қўрилган. Шу билан бирга, баъзи йўналишларда айрим камчиликлар мавжудлигини инобатда олиб, бу борадаги ишларни жадаллаштириш керак, деб ҳисоблаймиш.

Чунончи, ҳар бир вилоят, шаҳар ва туманларда хизматлар ҳажминини ошириш чораларини қўриш зарур. Жорий йилда хизматлар соҳаси учун банклар томонидан акрталлиши қўйлаётган 18 триллион сўм кредитларни, шу билан биргаликда, давлат томонидан тижорат банклари орқали қўшимча 300 миллион доллар, шундан 1 июлгача 150 миллион доллар маблағлар ҳар бир лойиҳа бўйича ўз йўналишида мақсадли ва самарали ишлатилишини таъминлашга эътиборни қўйиш мақсадга мувофиқ.

Барча даражада мулк ҳуқуқи дахлсизлигини, шунингдек, тадбиркорларнинг ишига ҳар қандай аралашуварга чек қўйиш борасида ишларни давом эттириш лозим. Бунда давлат идоралари ва маҳаллий ҳокимликларнинг ҳаракати ҳамда ҳаракатсизлиги, тадбиркорларнинг ишига ҳар қандай аралашувар натижасида тадбиркорлик субъектлари қўрган зарарларни ёки олинмай қолган фойдани маъсул мансабдор шахсларнинг ўзидан ундириш амалиётини йўлга қўйиш масаласини кўриб чиқиш тақли этилади.

Жорий йилда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурини амалга ошириш учун 21 триллион сўм маблағ ажратилганда, худудлар учун бундай катта маблағнинг ажратилиши қўллаб-қувватлашнинг, қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш имконини беради. Шу билан биргаликда, ўз ечимини қўйиётган қўллаб-қувватлашнинг ҳал этилишига замин яратилди. Шу боис "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурини ўз вақтида сифатли амалга оширишни таъминлаш учун ифтихор билан барча даражадаги депутатлик корпуси ҳамкорлик ва назорат ишларини қўйиштириш аниқ мудоаа.

Алишер ҚОДИРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, "Миллий тикланиш" ДП фракцияси раҳбари: — Бугун нафақат соғлиқни сақлаш тизими, балки иқтисодиётнинг барча тармоғи, озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш, истеъмолчиларга арзон озиқ-овқат маҳсулотларини etkazиш бериш ҳамда миграция масалалари куннинг долзарб мавзусига айланган.

Давлат дастурининг биринчи чорақдаги ижроси муҳокамасида амалга оширилган ва оширилаётган барча ижобий ишларни эътироф этган ҳолда, айрим масалалар бўйича ўз тақлифларимизни билдирди.

Жумладан, ҳорижий мамлакатлардаги ватандошларимизга хизмат кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини ривожлантириш юзасидан ўз фикрларимизни айтдик. Қўриқимизки, ватандошларимизнинг ҳорижа бориб иш бошлашида асосий ролни хусусий бандлик агентликларини ўйнамоқда ва ваъда қилинган шартларни ўзга юртга борганда айтилгандек бўлиб чиқмапти ёки бўлмаса фирибгарлик йўли билан чет элдаги юқори маошлик ишни тақлиф қилиб, ҳеч қандай шартнома тўзмасдан ҳам фуқаролардан катта миқдорда пул олиб, банк-ротлик эълон қилишмоқда.

Бу борадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ҳорижа ишга юбрувчи хусусий бандлик агентликларининг маъсулиятини ошириш учун ҳам алоҳида чоралар қўриш зарур.

Яна бир муҳим масала — Давлат дастурида инфляцияга номонетар омиллар таъсирини пасайтириш ва асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг барқарорлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

Рамазон ойида қатор чет давлатларда озиқ-овқат маҳсулотларига чегирмалар берилляпти. Лекин бизнинг бозорларимиздаги реал холатни олсак, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари кескин ошиб бораётганини кузатиш мумкин.

Шу нуктаи назардан, Вазирлар Маҳкамасининг мазкур масала юзасидан амалга оширилаётган ишларини жадаллаштириш лозим.

Кодир ЖўРАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, "Адолат" СДП фракцияси раҳбарининг ўринбосари: — Дарҳақиқат, Давлат дастурининг ўз мудоаида ва пухта бажарилишини таъминлаш бўйича Ҳукумат томонидан тизимли ишлар йўлга қўйилган. Шу билан бирга, унда кўзда тутилган тадбирларни аниқ ва сифатли бажариш бўйича ўз тавсияларимизни бердик.

Хусусан, дастуридаги давлат қарзи бўйича маълумотларнинг янада очиқлигини таъминлаш вазифасининг бажарилиши ҳолати бизни қониқтирмади. Бу борада ҳам тизимли чора-тадбирлар белгиланиши лозим. Давлат қарзи, хусусан, ташқи қарз тўғрисидаги барча маълумот ҳаммадчилиги мақсади тўлиқ очиқ қилиниши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, яна бир муҳим вазифа — худуд

ларда паст ва ўрта қучланишли электр тармоқларини модернизация қилиш ва трансформаторларни босқичма-босқич янгилаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратдик. Таъкидлаш жоизки, фракциямиз аъзоларининг худудларда ўз сайловларини билан ўтказган учрашуварларида ҳам энергетика соҳасидаги муаммолар жуда қўн тилга олинган бўлиб, ушбу муаммолар ақинда фракциямизнинг алоҳида ийгилишида мутаассадли ва идораларнинг раҳбарлари иштирокида батафсил муҳокама қилинганда. Унда фракциямиз аъзолари мавжуд муаммоларни тизимли ҳал қилиш бўйича қатор тақлифларни билдирдишганда. Умид қиламизки, фракциямиз тақлифлари, албатта, инобатга олинади ва уларнинг бажарилиши бўйича тегишли чора-тадбирлар қўрилади.

Умуман айтганда, муҳокамалар чоғида фракциямиз аъзолари Давлат дастуридаги вазифалар ўз вақтида бажарилишини таъминлаш, унда белгиланган ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқишни жадаллаштириш лозимлигини қайд этиди. Бунда ҳар бир масъул ушбу дастур, аввало, фуқароларнинг рози қилиш ва мамлакатни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишга қаратилганлиги нуктаи назаридан ёндашишлари зарур.

Улугбек ИНОЯТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Ҳисобот фракцияси раҳбари: — Фракциямиз партияси раҳбарининг ўринбосари: — Фракциямиз Давлат дастурининг 2021 йил биринчи чорақдаги ижросини таъминлаш юзасидан Ҳукумат ҳисоботини маъқуллаб, бир қатор тақлифларини илгари сурди.

Жумладан, Давлат дастурида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш юзасидан белгилаб берилган вазифаларни ўз вақтида таъминлаш ҳамда ажратилган маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланиш, иқтисодиёт тармоқларидидаги эскирган ускуналар ҳамда ресурслардан оқилона фойдаланиш ва "яшил иқтисодиёт" принципларини кенгроқ қўллаш мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, оқоа суварини тозалаш иншоотларини модернизация қилиш ҳамда янгиларини барпо этиш, муҳофаза қилинадиган табиий худудлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларининг ҳисобини ҳамда давлат кадастрини тўлиқ қўриштириш, шаҳарларда дарахтарини суғориш-иригация тизимини яхшилаш, аҳоли, айниқса, қишлоқ жойларда яшовчиларнинг тоза ичимлик суви таъминотини яхшилаш ва худудларда канализация тизимларини ривожлантириш борасида тизимли чоралар қўриш лозим.

Қолаверса, сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш, сувини тежайдиган, замонавий инновацияларни технологияларни кенг жорий этиш юзасидан белгилаб берилган вазифалар ҳамда ажратилган маблағлар ижросига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

«Халқ сўзи».

«ОБОД ВА ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА» ТАМОЙИЛИГА АСОСЛАНГАН ТИЗИМ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси ҳамда Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитасининг Сурхондарё вилояти ҳокимлигига сайёр мажлиси бўлиб ўтди. Унда Сурхондарё вилоятида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг профилактикасидаги мавжуд ҳолат, жиноятчиликнинг қўлайлиги сабаблари ҳамда бунга шарт-шароит яратётган омиллар, қолаверса, "Хотин-қизларни таътиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг ижроси муҳокама қилинди.

Ўрганиш

Таъкидланганидек, соҳада амалга оширилган тизимли ишлар натижасида умумий жиноятларнинг 95,3 фоизи фўш этилган. Тергов органлари қидируви билан 160 нафар шахс ушланган ва бедарак йўқолган 33 нафар шахс топилган. Ички ишлар органлари ташаббуси билан 978 та жиноят аниқланган. Шу билан бирга, ўтказилган ўрганишлар Сурхондарё вилояти ички ишлар органлари фаолиятида муаммо камчилиқлар, ечимини қўйиётган маълумот ва тўлиқ фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Хусусан, 2020 йилда вилоят микёсида 3 минг 176 та жиноят қайд этилган бўлиб, 100 минг аҳолига нисбатан ўртача 120,3 тадан тўғри келган. Ушбу кўрсаткич

Термиз шаҳрига 295,8 тадан, Термиз туманига 245,4 тадан тўғри келиб, бу республика бўйича энг салбий кўрсаткич ҳисобланади. Вилоят, туман (шаҳар) маъсуллари томонидан жиноятларнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш борасидаги фаолият ҳамда давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги талаб даражасида йўлга қўйилмаганини сабабли ўтказилган профилактик тадбирлар етарли самара бермаган. Оқибатда вилоятдаги 721 та маҳалла фуқаролар йиғининдан 142 тада жиноят ошган.

Яна бир жиҳат, 2020 йилда зўравонликдан жабрланган 688 нафар хотин-қизга ҳимоя ордери расмийлаштириб берилган ва ушбу оилалар профилактика инспекторлари томонидан назоратга олинган. Бироқ ўрнатилган чекловларга қарамастан, ўтган йилда 3 нафар фуқарога нисбатан такрорий чеклов ўрнатилган. Ёшлар билан ишлашда ҳануз қўллаб-муаммолар сақланиб қолётганлиги, уларни бартараф қилишга етарли даражада эътибор қаратилмаганилиги оқибатда ўтган йили қайд этилган жами жиноятларнинг 840 таси ёки ҳар тўртинчи жиноят айнан ёшлар томонидан содир қилинган. Бундан ташқари, 725 нафар ишсиз фуқаро томонидан жиноят содир этилганлиги жойларда аҳолини иш билан таъминлаш масалалари самарали ҳал қилинмаётганини кўрсатади.

Вилоят бўйича умумий йўл-транспорт ҳодисалари сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан камайган бўлса-да, йўлларда ҳаракатланиш учун хавфсиз шарт етарли даражада таътиқ қилинмаганлиги оқибатда 130 нафар шахс вафот этган.

Мажлисида сенаторлар томонидан аҳоли ўртасида жиноятчиликка нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, бундан буён маъсул вазир-

«Халқ сўзи».

Жамоатчилик эшитуви АМАЛИЙ ИШЛАР БОШЛАБ ЮБОРИЛГАН

Кеча "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" Давлат дастури ижроси юзасидан Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси ҳамда "Юқалиш" умумимиллий ҳаракати томонидан навбатдаги жамоатчилик эшитуви ўтказилди.

Тадбирда Давлат дастурининг 120 ва 149-бандлари ижроси бўйича Қишлоқ ҳўжалиги, Адлия, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлари, Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Кадастр агентлиги маъсул раҳбарлари бажарилган ишлар юзасидан ажратилган берди.

Жумладан, дастурининг 120-бандига мувофиқ, қишлоқ ҳўжалигида ер муносабатлари бўйича ислохотларни янада такомиллаштириш, ерларни бозор

активлаштиришга айлантириш ҳамда ер участкаларини ижара ҳўқуқи билан фойдаланишга беришнинг замонавий ва шаффоф механизмларини жорий этишга қаратилган Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган эди. 149-бандга қўра эса ҳар бир туманининг имконияти ва ривожланиш йўналишидан келиб чиқиб, деҳқончилик билан шўғулланинадиган эҳтиёманд оилаларга 0,1 гектардан 1 гектаргача ер майдонлари ажратилиши белгиланган вазифаларнинг ижроси юзасидан ҳисобот берилди.

Жамоатчилик эшитуви давомида мутаассадлар томонидан Давлат дастурида белгиланган мудоаидаги ривожланишга қўйиладиганлиги, айрим бажарилган ишлар юзасидан жамоатчиликка ўз вақтида ахборот тақдим этилмаётгани таъкид қилинди.

«Халқ сўзи».

САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИНГ 130 МИНГГА ЯҚИН АЪЗОЛАРИ ЎҚИТИЛАДИ

Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ишлаб чиқилган ушбу концепция сайлов жараёни иштирокчиларининг сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича кўникма ва малакасини, сайлов жараёнида ҳаққондорликни таъминлаш мақсадида қўлдан келтирилади.

— Жараён уч босқичда рўёбга чиқарилади, — дейди МСК котиби Худойер Маматов. — Биринчи босқич ташкилий-услубий ишларни қамраб олади. Бунда ўқув режалари ва ўқув-услубий материаллар тайёрланади, тренерлар таркиби шакллантирилади,

“Saylov — 2021” мобил иловаси ишлаб чиқилади. Иккинчи босқичда сайлов қўнғунчилиги бўйича тренерлар ва сайлов комиссиялари аъзоларига номзодларнинг (аъзоларни) малакасини ошириш ва тайёрлаш режалаштирилади. Учинчи босқич сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати ва сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимида ишлаш бўйича тренерлар ва сайлов комиссияси аъзоларига номзодларни тайёрлашни назарда tutади.

Машгулотларда замонавий ахборот технологиялари ва интерфаол усулларга эътибор кучайтирилиб, си-

муляция, сайлов жараёнини моделлаштириш, видеодарс, видеоролик, сайловга оид савол-жавоблар, тест усуллари фаол қўлланилади.

Қайд этиш жоизки, концепцияни ишлаб чиқишда ЕХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг Ўзбекистонда сайловларни қўзғатиш бўйича миссияси яқиний ҳисоботида ўз ифодасини топган мақбул тавсиялар ҳисобга олинган. Жумладан, сайлов комиссиялари аъзолари малакасини оширишда “Бир сайловчи — бир овоз” тамойилига қатъий амал қилишнинг, сайловчи шахсан ўзи овоз бериши-

нинг аҳамиятини кенг тушуниришга алоҳида эътибор қаратилади.

Сайлов комиссиялари аъзоларининг малакасини оширишда сайловчилар рўйхати билан ишлаш, жумладан, сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати ҳамда сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимида фойдаланиш тартиби ҳақидаги машгулотлар ҳам ўрин олган. Кенг қўламадаги тушунириш ишлари сайлов жараёни иштирокчиларининг сайловга оид билим ҳамда кўникмаларининг ошиши, шунингдек, сайлов тизими ва амалиётининг янада такомил топишига хизмат қилади.

Тадбир якунида Марказий сайлов комиссияси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси, Тошкент давлат юридик университети, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ўртасида мазкур концепцияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорлик юзасидан келишув имзоланди.

Р. ОТАМУРОВОВ.

Уй-жой коммунал хўжалиги: ЯНГИЛИКЛАР ВА ЎЗГАРИШЛАР ТАЛАБ ЭТИЛАЁТГАН ТАРМОҚ

Шу йилнинг 26 апрель куни давлатимиз раҳбари кўп квартиралы уйлари бошқариш тизимини такомиллаштиришга оид тақдимот билан танишди. Ушбу тақдимотда уй-жой мулкдорлари ширкатлари олдига турган муаммолар, уларга ечим бўлиши кўтилаётган янгиликлар, соҳани ислох қилиш борасида тақдирлар айтилди ва умуман, бугун юртимизда ушбу йўналишда амалга оширилган ишлар чуқур таҳлил этилди.

Кеча Ўзбекистон Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан соҳада кўтилаётган янгиликлар билан кенг оммани бохабар қилиш мақсадида маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун “Кўп квартиралы уйлари бошқариш тизимини такомиллаштириш” мавзусида пресс-тур ташкил қилинди.

Долзарб мавзу

Авалло, бошқарув тизими такомиллаштирилиши зарур

— Давлат раҳбари томонидан мамлакатимизда кўп қаватлы уйлар сони йилдан-йилга ошиб бораётгани, хусусан, жорий йилда яна кўплаб кўп қаватлы уйлар қурилишини ҳисобга олиб, уларни бошқариш тизимини хорижий илгор тажрибани ўрганган ҳолда ислох қилиш ҳамда соҳа ходимларини шу асосда ўқитишнинг ягона ва яхлит бир тизимга олиб келиш бўйича топшириқ берилган, — дейди уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Шерзод Худоятов. — Тақдимотда ана шулар қамраб олинди.

Энди бевосита бугунги тадбирга тўхталадиган бўлсак, сафаримиз манзили сифатида пойтахтимизнинг Юнусобод тумани 13, 14-мавзелидаги “Феникс Арт Сервис” бошқарув компаниясини таниладик. Бу билан мавзунинг бир компания мисолида тушунириб берамиз.

Дарҳақиқат, мавзу ниҳоятда долзарблиги боис ҳам пресс-тур бахс-мунозараларга бой бўлди. Чунки кўп қаватлы уй-жойларга муносиб хизмат кўрсатиш сифати ҳамма жойда бир хил эмас. Шу сабабли одамларнинг ҳақли

эътирозларига сабаб бўлаётган муаммолар ҳам етарлича. Ҳўш, муаммолар нималардир иборат? Унинг омиллари-чи?

Гап шундаки, айни пайтда республикамизда 1 миллион 300 минг хонадондан иборат 37 минг 402 та (68 фоиз) кўп қаватлы уй мавжуд бўлса, шундан 25 минг 611 тасига 4 минг 430 та ширкат, 8 минг 953 тасига (24 фоиз) 247 та бошқарув компанияси томонидан хизмат кўрсатилади. Қолганларига, яъни 2 минг 838 тасига ёки жами уйлarning 8 фоизига эса хизмат кўрсатишмайди. Оқддий айтганда, бу уйлар бошқарувага эга эмас. Улар, асосан, эски, 2 қаватли, жудаям таъмирлатилган уйлardир.

Таҳлилларга кўра, 4 минг 430 та ширкатдан 1 минг 351 тасининг молиявий ҳолати яхши, 1 минг 903 тасиники ўрта ва 1 минг 176 тасиники оғир ҳолатда. Шунингдек, ширкатларнинг 1,4 триллион сўм қарздорлиги мавжуд. Аҳолининг дебиторлик қарздорлиги эса 192,7 миллиард сўмни ташкил қилади. Бу кичкина рақамлар эмас, албатта. Айнан шу омиллар туфайли ширкатлар ва бошқарув компаниялари ривожланишда оқсапти.

Муаммолар мавжуд, ечим-чи?

— Айнан шу масала тақдимотда ҳам ўртага ташланди, — дея сўзида давом этади вазир. — Яъни бу борада бошқарув компанияларига қандай референциялар бериш, фаолиятни замон талабига мослаш бўйича нималар қилиши кераклиги юзасидан, аввало, уларнинг муаммолари ўрганиб чиқилди. Бундай муаммолар ичидан мажбурий бадал норентабеллиги бўлиб, бунда бир квадрат метрга тўлов ўртача 850 сўмни ташкил қилади. Лекин бундай уйлarda яшаётган аҳоли ўйлаб кўрмаганки, аслида, битта кўп қаватли уйда қанча пул йиғилади, умумий фойдаланишдаги жойларда электр энергияси сарфи қанча, атрофни ободонлаштириш ишларига қанча маблағ сарфланади? Ширкат иши-ҳодимларининг ойлик маоши-чи? Булар — ўрганиш зарур бўлган масалалар.

Шу боис бу масала Юнусобод туманидаги уй мисолида ўрганилди. Пировадига маблағнинг 86 фоизи кредитнинг қоплашга, қолган қисми эса электр энергиясига кетаётгани туфайли уларда ойликдан қарздорлик мавжудлиги маълум бўлди.

Кейинги муаммо эса ҳисоб-китобларнинг шаффоф эмаслиги, ширкатлар аҳолига улардан олинган пул қаерга ишлатилаётганини кўрсатиб беролмаётгани билан боғлиқ. Масалан, Юнусободда 10 та ширкат 733 миллион сўмни талон-торож қилган. 97 та уйда эса ўтган йилда 2,7 миллиард сўм (45 фоиз) боқиманда қарздорлик вужудга келган.

Дилшод УЛУҒМУРОВОВ («Халқ сўзи»).

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ҚАНДАЙ ШАРОИТЛАРДА ТАЙЁРЛАНМОҚДА?



Унда Академия бошлиғи, полковник Рустам Хатамов ва бошқа тегишли тарғибий тузилмалар бошлиқлари қатнашиб, соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумотлар берди.

Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун етук малакали кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларидан бири. Р. Хатамовнинг маълум қилишича, бу ерда таълим кундузи ва сиртки йўналишда амалга оширилади. 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб кундузи таълим шаклига қабул, асосан, Ички ишлар вазирлиги академик лицейлари, ҳарбий академик лицейлари битирувчилари, шунингдек, ички ишлар органлари ходимлари ҳамда профилактика инспекторларининг ёрданчилари тарғибдан амалга оширилмоқда. Бунда курсантлар “Тезкор-қидирув фаолияти”, “Тергов фаолияти”, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти”, “Эксперт-криминалистика фаолияти”, “Хизмат фаолиятини психологик таъминлаш фаолияти”, “Йул ҳаракати хавф-

сизлигини таъминлаш фаолияти”, “Жиноий жазоларни ижро этиш фаолияти” мутахассисликлари бўйича таълим олишаётир.

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб сиртки таълим йўналиши йўлга қўйилган бўлиб, сиртки таълим факультетига ички ишлар органларида камда уч йиллик иш стажига эга, хизматда жоёбий натижаларга эришиб келаётган олий ҳамда ўрта махсус маълумотли ходимларни қабул қилиш йўлга қўйилган бўлиб, ўқишни муваффақиятли тамомлаганлар “Жиноятларнинг олдини олиш ва фож этиш фаолияти” мутахассислиги бўйича “юрист” малакасига эга бўлишапти.

Журналистлар ўқув-жараёни билан бирга, қарийб 50 гектар майдонда комплекс жойлашган Академия, хусусан, яратилган қўлайликлар билан ҳам танишди.

Шулардан бири — курсантлар учун бунёд этилган замонавий талабалар турархонаси. Бу объект қўзғал ва ўғул бола курсантлар учун алоҳида-алоҳида, ҳар бири 600 ўринга мўлжалланган. Улар-

да яратилган шароитлар аъло даражада, тозалликка қатъий риоя қилинади. Ахборот-ресурс марказида интернетга уланган замонавий компьютерлар талабалар ихтиёрида. Бу ерда курсантлар ўқишдан бўш вақтларида соҳага оид маълумотларни олиши ва улардан самарали фойдаланиши мумкин. Юзлаб адабиётлар эса уларнинг билимини мустаҳкамлашда қўл келмоқда.

Навбатдаги объект — ўқув биноси. Таълим жараёни сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида ўқув биносига ҳар бири 150 ўринга мўлжалланган 9 та янги-янган маъруза зали, мутахассислик кафедраларининг ўқув-методик хоналари барпо этилгани эътиборга молик. Ўқув жараёнига илгор педагог ёндашувлари татбиқ этилиши, хориж тажрибасидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Янги педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда амалиёт ходимлари иштирокчидаги ситуацияни маълумотлар, хорижий турдош олий таълим муассалари мутахассисларининг он-лайн дарслари ва видеоконференциялар ўтказиб бориш тизими равишда йўлга қўйилган.

Турган гапки, Академияда ички ишлар органлари учун етук мутахассис кадрларни тайёрлашни маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бунда Маънавият ва маърифат марказининг алоҳида ўрни бор. Марказда 600 ўринга мўлжалланган анжуманлар зали, Академия тарихи ҳамда Чўлпон музейлари ҳам журналистларни безътибор қолдирмади.

Жисмоний тайёргарлик ва спорт. Бу энг муҳим йўналишлардан биридир. Шу мақсадда ходимлар, тингловчи ва курсантларнинг жисмоний ва жонғовар тайёргарлигини ошириш мақсадида Академия спорт мажмурасида замонавий инвентарлар билан жиҳозланган учта зал, мини-футбол майдони, исти ёпик сув ҳавзаси, тренажер зали барпо этилган. Жанғовар ва жисмоний тайёргарлик кафедраси қошида спортнинг каратэ, таэквондо, кўл жанги, самбо, дзюдо, вольейбол, футбол, армрестлинг, пауэрлифтинг, бокс, эркин кураш, енгил ва оғир атлетика турлари бўйича ташкил этилган тўрақларда курсантларга тажрибали мураббийлар сабоқ бериб келмоқда. Спортчи тингловчи-курсантлар турли халқаро ва республика миқёсидаги мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллаб келаётгани ҳам шундан.

Пресс-тур давомида журналистларга, шунингдек, истиқболли ражарлар хусусида ҳам батафсил маълумотлар тақдим қилинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ТОВАР-ХОМАШЁ БИРЖАСИ» АЖ

«UZEX MONEY» тўлов тизимини тайёр ҳолда топшириш шарт билан ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича тендер эълон қилади

Тендер предмети: «UZEX MONEY» тўлов тизимини тайёр ҳолда топшириш шарт билан ишлаб чиқиш ва жорий қилиш.

Тендер ўтказиш шакли: очик тендер.

Танловда тендер ҳужжатлари талабларига жавоб берадиган ва тўлов тизимини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш бўйича муваффақиятли тажрибига эга бўлган маҳаллий корхоналар ва ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

Тендер қатнашчиси зарур техник ҳужжатларни ишлаб чиқишни ва уни ваколатли органдан экспертизадан ўтказишни, тўлов тизимини яратишни, умумий эксплуатацияга киритишлигини таъминлашни, шунингдек, мижознинг мутахассисларини ўқитган ҳолда 6 ой давомда техник қўлаб-қувватлашни амалга ошириши шарт.

Буортмачи: «Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси» АЖ.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 77-уй.

Телефон: 71-207-00-33, e-mail: zakupki@rtsb.uz, сайт www.uzex.uz

Тендер иштирокчилари маълумот олиш учун буортмачига ҳар куни (шанба ва яқшанбадан ташқари) соат 10.00 дан 17.00 га қадар, тендер тақлифларини қабул қилиш мuddати тугагунгича мурожаат этишлари мумкин.

Молиялаштириш манбаси: ўз маблағлари.

Тўлов шартлари: шартнома имзолангандан кейин 5 банк куни давомида 50 фоиз аванс тўлови, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июндаги 522-сонли «Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларига мувофиқ электрон тарзда қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва ҳисоб-фактурани имзолаган ҳолда етказиб берилган сандан бошлаб 5 иш кунинда якуний ҳисоб-китоб (50%) амалга оширилади.

Тўлов шакли: нақд пулсиз ҳисоб-китоб.

Тўлов валютаси: Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси — сўм.

Тендер шартлари

— тендер иштирокчиларининг тақлифлари ёпик шаклда 2 та муҳрланган конвертда тақдим этилиши керак:

- биринчи конверт — малака ҳужжатлари ва тақлиф қилинаётган лойиҳанинг техник ечими;
- иккинчи конверт — тўлов тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш бўйича хизмат учун нарх тақлифи ва уни амалга ошириш мuddати;
- малака талабларига мос келмаганда иштирокчининг

тендерда қатнашиши рад этилади ва иккинчи конверт иштирокчига очилмасдан қайтарилади;

- техник талабларга ва тўлов тизимини ишга тушириш санасига энг мос келадиган тайёр ечимларни тақлиф қилувчи иштирокчиларга афзаллик берилади;
- нархга техник ҳужжатлар (ваколатли органдан экспертизадан ўтказган ҳолда) ва тўлов тизимини ишлаб чиқиш, техник қўлаб-қувватлаш ҳамда мижознинг мутахассисларини ўқитиш кирди.

Тендер иштирокчиларига қўйиладиган малака талаблари

- ташкилий-ҳуқуқий шакли юридик шахс мақомида бўлиши керак;
- тендер иштирокчиси тўғрисидаги умумий маълумот (1-илова мувофиқ);
- сўнгги 2 йил учун молиявий ҳисобот (1-шакл ва 2-шакл);
- сўнгги 18 ой ичида ўқшаш лойиҳаларини амалга оширганлиги тўғрисидаги маълумотлар;
- камида 3 та лойиҳа бўйича йирик ахборот тизимларини (ва/ёки ресурсларини) ишлаб чиқиш ва техник қўлаб-қувватлаш тажрибаси (банклар учун ахборот тизимларини ишлаб чиқиш

бўйича лойиҳалар рўйхатини тақдим этиш афзалликлар беради);

- камида 2 та давлат буортмачиси томонидан тақдим этилган тавсияномалар;
- иштирокчининг у қайта ташкил этиши, тугатиши, банкротлик босқинида эмаслигини тасдиқловчи қафолат хати;
- қатнашчининг у суд ёки ҳакамлик жараёнида эмаслигини тасдиқловчи қафолат хати;
- иштирокчи томонидан тасдиқланган фаолият тури учун ружсат бериувчи характердаги ҳужжатлар нусхаси;
- тақлиф этилаётган лойиҳанинг техник ечими.

Тижорат тақлифиди куйидаги маълумотлар бўлиши керак:

- ишлаб чиқилаётган тизимни тайёр ҳолда топшириш шарт билан техник талабларга мувофиқ нархнини кўрсатиш;
- хизмат кўрсатиш мuddатлари;

- тегишли бажариладиган ишларнинг тавсифи ва бажариш мuddатлари;
- хизматни қўлаб-қувватлаш шартлари.

Хизмат кўрсатиш шартлари ва мuddатлари

Етказиб бериувчи шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 ой ичида тўлов тизими учун керакли техник ҳужжатларни тайёрлашни,

дастурий таъминотни ишлаб чиқишни ва жорий қилишни ўз зиммасига олади.

Техник талаблар тўғрисидаги маълумот билан қуйидаги ҳавола орқали танишишингиз мумкин: [http://uzex.uz/Content/files/UZEX%20MONEY%20\(yz6\).pdf](http://uzex.uz/Content/files/UZEX%20MONEY%20(yz6).pdf)

Тендер тақлифлари 2021 йилнинг 22 май куни Тошкент вақти билан соат 17.00 га қадар, Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси 77-уйда қабул қилинади.

БИЗ ва ЖАҲОН

ЕХТ КООРДИНАТОРИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ МИССИЯСИНИ ЯКУНЛАДИ

Ташқи ишлар вазирлиги Абдулазиз Комилов 27 апрель куни Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси, элчи Жон МакГрегори мамлакатимиздаги миссияси якунланаётгани муносабати билан қабул қилди.

Жон МакГрегор 2016 йил май ойида Ўзбекистонда фаолият бошлаган эди. Ўтган даврда у мамлакатимиз билан ЕХТ ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилди. Жумладан, Ўзбекистон билан ЕХТ ўртасидаги ўзаро самарали ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун Президентимизнинг 2019 йил 29 августдаги Фармонида мувофиқ “Дўстлик” ордени билан мукофотланган эди.

Учрашувда Ўзбекистон ва ЕХТ ўртасидаги ҳамкорликнинг жорий ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди. Томонлар ташкилотнинг амалдаги раиси, Швеция ташқи ишлар вазирлиги Анн Линденин Ўзбекистонга ташрифи якунларини мамнуният билан қайд этди.

Бундан ташқари, короновирус инфекциясига қарши курашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш бўйича биргаликдаги ишлар юзасидан фикр алмашилди.

— Ташкилотимиз, асосан, хавфсизлик билан боғлиқ бўлса-да, мамлакатда бўлаётган жараёнларга ҳар томонлама қўмақлашга тайёр. Фаолиятимиз давомида Ўзбекистонда турли соҳаларга оид лойиҳалар амалга оширилди. Мамлакатимиз иқтисодий 2016 йилдаги нисбатан сезиларли даражада ўсди. Шунингдек, таълим сифатини ошириш билан боғлиқ жиддий ишларга эришилди. Бу Ўзбекистоннинг мавқеини оширади, — деди Жон МакГрегор.

Б. ХУДОЙБЕРДИЕВ, ЎЗА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ДИПЛОМАТЛАРИ ВАШИНГТОНДАГИ «ЭЛЬБА РУҲИ» ЁДГОРЛИГИГА ГУЛ ҚЎЙИШ МАРОСИМИДА ҚАТНАШДИ

Элчи Жавлон Ваҳобов бошчилигидаги ўзбекистонлик дипломатлар фашизмга қарши курашда иттифоқдош кучларнинг бирлашуви хотирасига бағишланган “Эльба руҳи” ёдгорлиги пойига гул қўйиш маросимида қатнашди.



Ўзбекистон элчихонаси хабарига кўра, тантанали маросимда Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Қозғоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, Туркменистон элчихоналари раҳбарлари, АҚШ Давлат котиби ёрданчиларининг ўринбосари Кристофер Робинсон, Ҳарбий асирлар ва бедарак йўқолганлар ишлари бўйича Россия — Америка комиссияси вакиллари, америкалик фахрийлар, АҚШда яшовчи Иккинчи жаҳон уруши фронтларида жанг қилган совик совет аскарлари ҳамда журналистлар қатнашди.

Маросим аънаваний равишда Вашингтондаги “Эльба руҳи” ёдгорлиги жойлашган Арлингтон миллий қабристонда ташкил этилди. Ушбу ёдгорлик 1995 йил 25 апрель куни Иккинчи жаҳон урушининг якунларида иттифоқдош қўшинларнинг Эльба (Германия) тарихий учрашуви 50 йиллиги кунинда очилган. Бронзадан ясалган лавҳада инглиз ва рус тилларида ушбу ёдгорлик совет, Америка ҳамда иттифоқдош қўроқли қўшиннинг Иккинчи жаҳон уруши даврида зулмига қарши курашдаги жанғовар ҳамкорлигига бағишлангани, совет ва Америка қўшин-

ларининг 1945 йил 25 апрель куни Эльба дарёсидидаги учрашувини рамзий ифода этиши ҳақидаги сўзлар битилган.

Тадбирда сўзга чиққан Россиянинг АҚШдаги Муваққат ишлар вакили Сергей Кошелев ушбу сананинг алоҳида аҳамиятини таъкидлади. “Уша кунлар фронтдаги аскарлар тинчликни асрашга ва келажак авлодларни урш бало-сидан қутқаришга қасамёд қилди”, деди у.

Арлингтон миллий қабристонинидаги маросимда иштирок этиш Иккинчи жаҳон уруши фронтларида бошқа халқлар вакиллари қаторида ҳақиқий қахрамонлик қўрсатган ота-боболаримиз хотирасига ҳурмат билдириди. Уша йилларда Ўзбекистондан фронтга қарийб 2 миллион киши кетган. Уларнинг 538 мингдан ортиги жангларда ҳалок бўлган, 158 мингдан зиёди бедарак йўқолган. Бундан ташқари, Ўзбекистон халқи миллиатимизга хос инсонпарварлик фазилатини намояндалар, 1 миллионга яқин эвакуация қилинганлари қабул қилган, уларнинг 250 мингдан ортиги болалар эди.

«Дунё» АА. Вашингтон.

ЯНА 1 МИЛЛИОН ДОЗА ВАКЦИНА ОЛИБ КЕЛИНДИ

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими хабарига кўра, “Zhifei Longcom Biopharmaceutical Co. Ltd” компанияси томонидан ўзбекистонлик мутахассислар ҳаммуаллифлигида яратилган “ZF-UZ-VAC2001” вакцинасининг яна 1 миллион дозаси Хитойдан юртимизга олиб келинди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур эмлаш воситасининг 1 миллион дозалик аввалги партияси шу йилнинг 27 март куни келтирилган эди.

Ҳозирги кунга юртимиздаги вакцинация жараёни учун жами 1 миллион 660 минг доза вакцина захирасидан фойдаланилмоқда. Айни пайтгача эмланган 565 минг нафардан зиёд аҳолининг 64 фоизи, яъни 263 минг нафардан ортиги “ZF-UZ-VAC2001” билан эмланган.

Эслатиб ўтамиз, бундан аввал юртимизга “Спутник V” вакцинасининг 2 та партияси келтирилган эди. Шунингдек, “AstraZeneca” вакцинасининг янги партиясини келтириш бўйича ҳам амалий ишлар олиб борилмақда.

«Халқ сўзи».

БАРЧА КОРХОНА, ТАШКИЛОТ ВА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ 2020/2021 ЎҚУВ ЙИЛИ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ЙЎЛЛАШ АСОСИДА ИШГА ТАҚСИМЛАШГА КИРИШГАНЛИГИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

Ушбу ўқув йилида университетда 34 та таълим йўналишида бакалаврлар ва 47 та йўналишда магистратура мутахассислари тайёрланмоқда. Ўз соҳасида етарли билим ва кўникмаларга эга бўлган, ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган ҳамда рақобатлашадиган ёш мутахассисларга эҳтиёжи бўлган барча корхона, ташкилот ва таълим муассасалари СамДУ ректори номига талабнома хатлари билан мурожаат қилишлари мумкин.

Корхонанинг мутасадди шахслари битирувчи талабалар билан учрашув ўтказишлари ҳамда тақсимот маросимларида иштирок этишлари учун барча шароит яратиб берилади. Сизнинг эътиборингизга қуйидаги йўналишлар бўйича малакали ёш мутахассисларни тақдим этамиз:

Т/р	коди	Таълим йўналишлари ва мутахассисликлар номи	Битирувчилар сони		шу жумладан					Худудлар бўйича битирувчилар сони																					
			шу жумладан, аёллар	грант	шартнома	Наманган вилояти	Бухоро вилояти	Жиззах вилояти	Навоий вилояти	Самарқанд вилояти	Сурхондарё вилояти	Сирдарё вилояти	Фарғона вилояти	Қашқадарё вилояти	Тошкент вилояти	Хоразм вилояти															
Бакалаврият			2549	1319	582	326	1957	993	1		12	5	33	12	60	37	2274	1198	24	10	3	1	17	1	112	45	9	7	4	3	
1.	5110800	Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси	63	44	11	7	52	37					1	1	2	2	57	40							3	1					
2.	5110100	Муסיқий таълим	70	50	16	12	54	38			1	1			5	5	61	41							1	1			2	2	
3.	5111306	Она тили ва адабиёт (рус тили ва адабиёти ўзга тилли гуруҳларга)	99	66	19	17	8	54							2	2	89	66	3	1					5	2					
4.	5111600	Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими	60	17	16	8	44	9							1		57	15							2	2					
5.	5111700	Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш	205	166	44	37	161	129							3	3	182	153	7	4	1	1	3		8	3	2	2			
6.	5111800	Мактабгача таълим	129	127	41	41	88	86							3	3	6	6	117	104	1	1			1	1	13	11	1	1	
7.	5112000	Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият	158	18	35	3	123	15							4		2	142	18	1					1	6		1		1	
8.	5610500	Спорт фаолияти (хотин-қизлар спорти йўналишлари бўйича)	50	50	12	12	38	39							1	1	49	49													
9.	5112100	Меҳнат таълими	67	48	23	14	44	34							2	1	1	49	41				5		10	5					
10.	5220101	Филология ва тилларни ўқитиш: ўзбек тили	161	131	39	34	122	97			1		1	1	3	3	152	124	2						2	1	1	1	1	1	
11.	5120102	Филология ва тилларни ўқитиш: рус тили	85	67	23	18	62	49							1	1	80	62	1	1					2	2	1	1			
12.	5120103	Филология ва тилларни ўқитиш: тожик тили	7	2	3	1	4	1									6	1	1					2	3	1					
13.	5120300	Тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)	140	16	17	6	113	10							1		2	1	135	15					2						
14.	5230100	Иқтисодиёт (тармоқлар бўйича)	64	7	4	1	60	6							2		59	6							2		1	1			
15.	5111017	Касбий таълим (иқтисодиёт)	2	12	5	3	15	9			1				1		18	12													
16.	5231700	Кадрлар менежменти	26	5	5	1	21	4							1	1	24	4	1												
17.	5140100	Биология	151	103	19	16	132	87							1	1	6	4	132	91	1	1			10	5	1	1			
18.	5320500	Биотехнология	32	16	10	4	22	12							1		30	16							1						
19.	5411100	Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси	25	18	5	3	20	15							1	1	1	1	21	15					2	1					
20.	5111062	Касбий таълим: электроника ва асбобсозлик	44	8	10	4	34	4							1		2	39	8						2						
21.	5140200	Физика	98	26	15	4	83	22	1		1	1	2	3	77	23	3	1				2		10	1						
22.	5140400	Астрономия	16	9	7	2	9	7			1	1					13	8	1			1									
23.	5140300	Механика	59	28	23	14	36	14			1	1	1	1	53	26									3	1					
24.	5140500	Кимё	115	51	28	7	87	44			2	1	1	1	1	109	49	1						1							
25.	5320400	Кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича)	28	9	10		18	9							1		25	8							2	1					
26.	5140600	География	72	30	20	8	52	22							1		2	68	30									1			
27.	5140700	Гидрометеорология	27	12	9	3	18	9			1						26	12							1						
28.	5130100	Математика	117	43	27	12	90	31			2		3	1	98	39					1			1	12	4					
29.	5110700	Информатика ўқитиш методикаси	52	21	15	6	37	15					1	1	2	2	48	18							1						
30.	5130200	Амалий математика ва информатика	88	26	24	7	64	19							1	2	1	83	25						2						
31.	5520100	Ижтимоий иш (фаолиятнинг турли соҳалари бўйича)	56	27	10	5	46	22							1	1	4	2	49	23		1			1	1					
32.	5630100	Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	45	22	9	5	36	17							2	1	40	21							3						
33.	5210200	Психология (фаолият турлари бўйича)	78	25	16	8	62	17			1				4	1	70	22	1	1	1				1	1					
34.	5120400	Археология	42	13	12	3	30	1							1		39	12					1		1	1					
Магистратура			370	150	187	74	183	75			1	1	9	3	8	3	324	130	5	4			1		16	3	5	5	1	1	
1.	5A110701	Таълимда ахборот технологиялари	5		4		1										4								1						
2.	5A110901	Педагогика тарихи ва назарияси (фаолият тури бўйича)	8	7	3	3	5	4									8	7													
3.	5A111001	Муסיқа таълими ва санъат	8	4	1	1	7	3					1	1			6	2							1	1					
4.	5A110802	Муҳандислик графикаси ва дизайн назарияси	8	6	2	2	6	4									5	4							2	1	1	1			
5.	5A111701	Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (бошланғич таълим)	7	6	2	2	5	4									7	6													
6.	5A111801	Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (мактабгача таълим)	12	10	2	1	10	9									12	10													
7.	5A111601	Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш методикаси (Маънавият асослари)	7	1	3	1	4								1		6	1													
8.	5A112001	Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари методикаси ва назарияси	17	7	4	3	13	3							1	1	15	7													
9.	5A120105	Фольклоршунослик ва диалектология	6	4	1		5	4									6	4													
10.	5A111201	Ўзбек тили ва адабиёти	7	3	3	1	4	2							1		6	3													
11.	5A120101	Адабиётшунослик (ўзбек адабиёти)	9	7	3	3	6	4									9	7													
12.	5A120101	Адабиётшунослик (рус адабиёти)	6	6	3	3	3	3									6	6													
13.	5A120101	Адабиётшунослик (тожик адабиёти)	3		2		1													1			1		1						
14.	5A120102	Лингвистика (ўзбек тили)	12	6	3	3	9	3									11	5	1	1											
15.	5A120102	Лингвистика (рус тили)	4	4	2	2	2	2									3	3									1	1			
16.	5A120102	Лингвистика (тожик тили)	3	1	1		2	1																							